



Аё мўъмин, киргил йўлга мурод истаб,
Жон бахридин ўтгин Рахим Рахмон учун.
Гунохингга пушаймон бўл сидкинг бирла,
Тавба килгил раҳм этгувчи Гуфрон учун.

Танда жонинг меҳмон эрур неча кунлар,
Кон йиглагил кайгу бирла узок тунлар.
Нечук бўлгой холим дебон йирок йўллар,
Шояд кабул килгой сандек хайрон учун.

Лутф айласа, мушкул ишлар бўлур осон,
Угон Изим бандам деса колмас армон,
Неъмат берур дунё ичра турлук алвон,
Бино килди саккиз беҳишт меҳмон учун.

Зоҳид куллар такво килиб намоз ўкур,
Насиб килса анда бориб хурлар кучур,
Ошик куллар Мансур янглиг жондин кечур,
Курбон бўлур дор устида жонон учун.

Харом эрур ошиқларга гайр аз Худо,
Хато эрур талаб килса хар ду саро.
Муҳаббатсиз тоатларинг – боди хаво,
Мағрур бўлма дунё, укбо, ризвон учун.

Ё Раббано, хўб билурсан жумла асрор,
Кўбтур мунда журму исён, килма изхор,
Кахр айлама ман осийга Изим Жаббор,
Багишлагил ул хурмати Фуркон учун.

Кул Хожа Ахмад, лоф урубон айдинг муни,
Лоф урурсан муҳаббатдин, аҳдинг кани?
На эранлар бу дунёдин бўлди фоний,
Нафс илгида ўлдунг мисли хайвон учун.

2

Ошиқлари зикрин ойтиб хормас эрмиш,
Боргон сори йигит бўлур, кормас эрмиш.

Халка топса, ошик ишга хормас эрмиш,
Кахф итидек ориф сўнгидин колмас эрмиш.

Ориф сўнгига эришгонлар мазо топти,
Мазо топиб, Хак йўлида ризо топти.
Жисму жонин фидо килиб гизо топти,
Чин ошиклар урса-сўкса тонмас эрмиш.

Китмир итдин ибрат олгил ошик эрсанг,
Оксокланиб йўлдин колма содик эрсанг.
Эрлар севур яхши кулга лойик эрсанг,
Лойик бўлгон куллар йўлда колмас эрмиш.

Тавфик тилаб эранларга ёвуклангил,
Кўнгул узуб тааллуқдин совуклангил.
Дунё кўюб, охиратга озуклангил,
Озук олгон аро йўлда колмас эрмиш.

Ошик куллар жафо тортса, конлар ютар,
Харна жафо тегса, ани рохат тутар,
Мехнат тортмай, жафо чекмай қачон етар,
Бу холатда бўлгон ошик колмас эрмиш.

Ошик куллар ингроюрлар тун-кун тинмай,
Зор инграбон наъра урор багри толмай,
Зокир куллар арра торттор доим хормай,
Сухбат топса жон ўйнотиб хормас эрмиш.

Эргашгонлар яхшиларга зоеъ колмас,
Сидки бирла чин ихлослиг топмай колмас,
Чин йўлларга кадам кўйгон урса койтмас,
Толиб куллар матлубидин колмас эрмиш.

Кул Хожа Ахмад, орифларга мойил бўлгил,
Харна деса, бўюнсуниб койил бўлгил,
Хизмат килиб югруб юруб сойил бўлгил,
Хизмат килгон муродин етор эрмиш.

3

Охир замон шайхларидин сўзлойин,
Иймон-ислом билмай шайхлик килор эрмиш,
Илм ўрганмай, амал килмай, маъни укмай,
Охиратда каро юзлук бўлор эрмиш.

Шайхман тею мехроб ичра ўлтургойлар,
Халка ичра халкга захмат еткургойлар,
Хойу Ху деб сармастлигин билдургойлар,

Ондог жохил кандог шайхлик килор эрмиш.

Мундог шайхнинг киёматда юзи каро,
Нодонликда шайхлик килур иши риё,
Рўзи махшар расво бўлур, кўзи аъмо,
Аввал-охир залолатда бўлор эрмиш.

Шайх бўлмокга жамъ ул-жамъ адно маком,
Хозир бўлуб, огох бўлсанг алад-давом,
Пир хизматин неча йиллар килса тамом,
Йўк эрса, золу музилл бўлор эрмиш.

Оми шайхлар кулок, думсиз химор бўлгой,
Химматлари дунё молин йигор бўлгой,
Халойикни йўл озгуруб кетор бўлгой,
Ондог шайхлар бахойимдин батар эрмиш.

Ўзларини халклар аро туткой улуг,
Ботинлари ичра йўктур зарра фуруг,
Ман ортук, деб юргонларни жойи тамуг,
Дўзах ичра коттик азоб тортор эрмиш.

Айбин ойтса, оччигланиб урушкойлар,
Ўзи билмай ямон ишга юрушгойлар,
Каро юзлук махшар куни турушкойлар,
Надоматда боши котиб юрур эрмиш.

Эй мўъминлар, ўшал шайхни баёнини,
Ман ойтойин, яхши тингланг аёнини,
Киёматда юклар мурид гунохини,
Сирот узра титраб-какшаб турор эрмиш.

Мундог шайхнинг окилини дегил ахмок,
Омиликда шайхлик килур эрмиш мутлок.
Ботин ичра анга тегор доим тўкмок,
Киёматда хасрат килиб юрор эрмиш.

Чин шайх бўлса, дунё молин суймас, билинг,
Тонгла борса, дўзах ичра куймас, билинг,
Аллох дебон кечаларда уймас, билинг,
Юзин кўрсанг, тўлгон ойдек бўлор эрмиш.

Кўлин тутсанг дунё меҳри дилдин кетор,
Халкасида моуманлик жумла кетор,
Назар килса, икки олам ишинг битор,
Ондог муршид ломаконда юрор эрмиш.

Шайхлик отин анга килмок эрур вабол,
Жон берорда иймонига хавфу завол.
Охиратда анга бўлур хар дам накол,
Рахмон эгам мундог кулдин безор эрмиш.

Одам эрсанг, тўгри йўлда юро кўргил,
Пайгамбарни килмишларин кило кўргил,
Жону дилда табиатин ойто кўргил,
Бу йўл юргон максудига етор эрмиш.

Кул Хожа Ахмад, агар бўлса аклинг салим,
Курук отка така килмок хуни азим.
Тавба килсанг, шояд кабул килгой Рахим,
Тавба килсанг, Худо рахмат килор эрмиш.

4

Аклим кетти, бошим котти, нечук ойтой?
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.
Умрум ўтти, вақтим етти, койда борай?
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Во дариго, тонг откунча кўпуб ёттим,
Шайтон билан ишрат килиб, диним соттим,
Бу оламда Хакни суймай бегам ўтдум,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Гунохимдин тогу тузлар хазар килди,
На ер кетой, ёзукларим малак билди,
Котиблари шохид бўлуб, хатга олди,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Гунохим кўб ёлборойин даргохинга,
Яком тутуб, йиглаб борой боргохинга,
Саттор эгам, йўл кўрсатгил гумрохинга,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Тавфик берса бўйнум эгиб йўлга кирай,
Хизмат килиб эранлардин йўлни сўрай.
Сенсан мени панохимсан, койда борай?
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Ё Кодиро, гунохимдин шармандаман,
Илгим олиб афв этмасанг, дармондаман,
Ожиз кулман, харна килсанг – фармондаман,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Гунохим бор бенихоят, санга маълум,

Лаб ташнаман, киёматда килма махрум,
Кўл ковшуруб узрим ойтой гариб, мазлум,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Юз минг-юз минг гунохимдин лутфунг баланд,
Шайтон лаин йўлдин урса, килмам писанд,
Минг бир отинг тасбех килсам, огзимда канд,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Гунохимдин уётлигман, отинг Рахим,
Рахматингдин катра берсанг, отинг Карим,
Даргохинга йиглаб келдим, Хаййу Кадим,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

Кул Хожа Ахмад, гунохкорман бошим куйи,
Рўзи махшар пок этмаса кавсар суйи,
Осий, жофий, тарсо, жухуд феъли хўйи,
Рахмон эгам, аро йўлда колдим мано.

5

Ишким тошти, багрим шишти, рухум кочти—
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?
Аклим шошти, ўпкам шишти, хаддин ошти—
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Мухаббатнинг жомин ичиб девонаман,
Мажнунсифат хелу хешдин бегонаман.
Эй ёронлар, шамъин кўруб парвонаман,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Юрак пора, кўнглум ёра, аклим хайрон,
Дийдор излаб фано бўлгон хонавайрон,
Койда борсам, мотам тутуб кўзум гирён,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Ишк ўтига куйгон ошик билмас ўзин,
Беҳуш юрар, халойикга ойтмас сўзин.
Ҳакка бокар, дунё сори солмас кўзин,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Тонг откунча ёшим окор, холим хароб,
Кўнглум синук, рангим сориг, багрим кабоб,
Хак сорига банда бўлсанг килгил шитоб,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Бахтим каро – бир катра май тотолмадим,
Ахлу иёл, хонумондин ўтолмадим,

Жондин кечиб пир этогин тутолмадим,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Шум толеъман, тегмас кўлга мани жомим,
Тоатим йўк, аъмо сифат тобмам йўлум,
Булбул сифат нола килдим, келмас гулим,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Во дариго, шавк ўтига куймай ўтдум,
Дунё тилаб ялгуз Хакни суймай ўттум,
Гафлат бирлан пир этогин тутмай ўтдум,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Турлук-турлук аломатлар бўлди, дўстлар,
Ростлик кетиб, ялгон даъво тўлди, дўстлар,
Хак Мустафо ойгонлари келди, дўстлар,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Хак Мустафо ойгонларин бил насихат,
Хайф одам, бир-бирини килмас иззат.
Масжид кириб, тоат килмай килур гийбат,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

Кул Хожа Ахмад, кулман дерсан, сўзунг ялгон,
Бу дунёда сендек йўктур йўлда колгон,
Хакдин кечиб, шайтон билан улфат бўлгон,
Йигламайму, жон махрамин тобмасмано?

6

Тавба килиб Хакка ёнсам бўлормукин,
Тавбасиздин ўлуб кетсам, нетгум мано.
Пири мугон мани йўлга солормукин,
Йўлга кирмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

Ямон сўздин бу тилимни эмди йигсам,
Эгри йўлга киргонларни уруб-сўксам.
Намоз ўкуб, риёзатда белим буксам,
Белим букмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

Тавба килсам, пири мугон тортормукин?
Кундин-кунга тоатларим ортормукин?
Нафсим мани ёмон йўлдин койтормукин,
Койтормайин ўлуб кетсам, нетгум мано?

Тавба килсам, Хожам кабул этормукин?
Хама нодон бу дунёдин ўтормукин?
Хасрат билан гафлат тонги отормукин,

Тонг отмайин ўлуб кетсам, нетгум мано?

Азроил бир кун келса жон олголи,
Ул холатда мажол бўлмас сўз ойголи.
Азроил кўймас сани дам урголи,
Дам уролмаи ўлуб кетсам, нетгум мано?

Ахлу иёл, хонумонинг туруб колур,
Барчасини хисобини сандин олур.
Холинг нечук кечор эрмиш – Тангрим билур,
Бу холатда ўлуб кетсам, нетгум мано?

Имонлик кул ўлуб борса, жаннат киргой,
Жаннат кириб, хурлар билан ишрат килгой.
Хар ёнидин Ризвон келиб салом килгой,
Жавоб ойтмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

Хак бандасин номаларин кўлга берур,
Хос бандалар кўлга олиб ани ўкур.
Учор кушдек парвоз килиб канот тўкур,
Парвоз килмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

Кул Хожа Ахмад, тавба килгил ўлмас бурун,
Хак таоло сўрўг-савол килмас бурун.
Рўзи махшар тарозусин курмас бурун,
Амал килмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

7

Орифларни сухбатидин бахра олгон,
Худойига якин бўлди, билдим мано.
Пири комил мукамилга хизмат килиб,
Ихлос билан сир-асрорин билдим мано.

Сир-асрорин билгонларга – рахмат инъом,
Хос бандам деб Хак юбормиш минг йўл салом,
Ондин сўнгра Хакдин келгой анга паём,
Хозир туруб Арш устида кўрдум мано.

Арш устида намоз ўкуб, тизим буктум,
Розим ойтиб, Хакка бокиб ёшим тўктум,
Ялгон ошик, ялгон сўфий кўрдум, сўктум,
Маъшукимга минг бир савол килдим мано.

Саволимга Хакдин келди яхши жавоб,
Рўзи махшар аъмолингни килмам хисоб,
Кудрат бирлан котиб битиб берди хитоб,
Хак "кул!" деди, таъзим билан кулдум мано.

Йўлсиз эрдим, улуг бобом килди мадад,
Дуо килиб, хос бузруглар берди кувват,
Хизр бобом хозир бўлуб, килди шафкат,
Шафкатидин хосиятлар кўрдум мано.

Хосиятни сизга ойтой халки жахон,
Бандасига нидо келди, Хакдин пинхон,
"Кел абди!" деб сахар чорлар Хак меҳрибон,
Елиб-югруб, эранлардин сўрдум мано.

Каю толиб хикматимни тутса азиз,
Койда борса, боши – азиз, сўзи – лазиз,
Яхши сўзни фахм айламас хар бетамиз,
Ул сабабдин доно излаб юрдум мано.

Майхонага киргон билур май кадрини,
Ишқдин хабар олгон билур най кадрини,
Хар ножинсдин сўрсанг билмас ишқ кадрини,
Ишқ кадрини билгонлардин сўрдум мано.

Мен дафтари соний ойдим, солгил кулок,
Кон ёш тўкуб йигламаслар мисли булок,
Банда бўлсанг, дунё укбин килгил талок,
Талок килиб дийдорини кўрдум мано.

Хак таоло ошиқларга берди ишқин,
Толибларга тухфа берди шавку завқин,
Каззобларга шайтон берди риё далқин,
Риёликни сўзлар билан урдум мано.

Риё килгон шайхни кўрдум – безор бўлдум,
Зарра бўйи тегди менга, бемор бўлдум,
Хак йўлида сармаст эдим, хушёр бўлдум,
Онинг учун душман тутуб юрдум мано.

Кул Хожа Ахмад, тоат килсанг, пинхон килгил,
Лаб номахрам, дам номахрам, ўзунг билгил,
Балки дил хам номахрамдур, хозир бўлгил,
Хакдин ўзга талабларни сурдум мано.

8

Аввал санинг хамдинг ойтой, Кодир Худо,
Сан забоним жорий килгил хозир илох.
Гунаҳ дарди бемор килди, бергил даво,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Гуноҳимни баён килсам, ерга сигмас,

Сандин ўзга кимга борой, кўлум олмас,
Ходий ўзунг, сансиз ҳеч ким йўлга солмас,
Гуноҳимдин йиглаб санга келдим мано.

Гунаҳкорман, харна бўлсам санга бўлдум,
Раҳмон эгам, юз ўгурма, сигниб келдим.
Аё маҳбуб, лутф этмасанг, йўлда колдим,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Ё Илоҳо, гуноҳимдин дармондаман,
Санга лойик амал килмай армондаман.
Харна килсанг, ўзунг килгил, шармандаман,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Гуноҳимни хар ким кўрса, мандин безор,
Лутфу карам ўзунг килсанг, хама бекор.
Гиёҳ унмас ерга боксанг, бўлур гулзор,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Сан озодлиг баротини берсанг осон,
Раҳмат дарё катра томса, холим хандон.
Файзу футух тўло берсанг жоним курбон,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Тавба килиб, гуноҳимдин санга йиглай,
Мухаббатни ўти бирлан юрак доглай.
Хак йўлида бошим бериб, иймон ўйнай,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Банда бўлсанг, тавба килгил холо фурсат,
Йигитликда риёзат кил, дам ганимат.
Кариб-чўкуб килолмассан Хакка тоат,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Икки олам бандангдурман, Гаффоримсан,
Шайтон лаин йўлдин урса, гамхоримсан.
Ерга сигмас гуноҳ килдим, Сатторимсан,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Бу йўлларни укбаси кўб бошим котти,
Йигламайму, гарибликни ўки ўтти.
Мандин бурун борча толиб Хакка етти,
Гуноҳимдин санга йиглаб келдим мано.

Жоним гувоҳ – жисмим гуноҳ, дилим гуноҳ,
На тил бирлан мунда ман дей санга, илоҳ.

Ман йигламай ким йигласун, холим табох?!
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

Таним исён, сўзум ялгон, корим хато,
Гунохим кўб беҳад эрур, во хасрато.
Раҳмат лутфунг камуг килсанг бизга ато,
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

Раҳмон эгам нафсни бердинг манга, ло-ло,
На тил бирлан ойтой санга хамду сано.
Даргоҳингга йиглаб келдим, бергил даво,
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

Эй ёронлар, кофир нафсга олтмиш бош бор,
Хар бошида юз минг шайтон лашқари бор.
Хос бузурғлар нафс илгида туфрокдин хор,
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

Риёзатни кирк кун чекиб бир бош кетти,
Субҳи содик бокиб кўрди: унуб чикти.
Гариб Адҳам нафс илгида турфа шошти,
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

Илгин очиб, муножотин Хакка килди,
Жону дилда тавба килиб, беҳуд бўлди.
Надоматда сочу сакол юлуб олди,
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

Гариб Адҳам нафс илгида дод айлади,
Тахтдин кечиб, Раҳмонини ёд айлади.
Гариб, етим кўнглин овлаб, шод айлади,
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

Даргоҳингга йиглаб келди Кул Хожа Ахмад,
Умидим кўб, киёматда килсанг раҳмат.
Парвойим йўк шайтон лаин килса захмат,
Гунохимдин санга йиглаб келдим мано.

9

Ишк дардини ошиқларга тухфа берди,
Шавк ўтида ўртаб-ёниб куйдум мано.
Муҳаббатни шаробини тўё берди,
Сармаст бўлуб раксу самоъ урдум мано.

Ишки тушти гариб бошга, туrolмадим,
Халк ичинда токат килиб юrolмадим.
Мажнун сифат хелу хешим кўrolмадим,

Биёбонни ватан килиб юрдум мано.

Биёбонни кумларини кўзга сурттум,
«Жондин кеч!» деб нидо келди жондин ўттум.
Бу дунёда юз минг турлук жафо торттум,
Бихамдиллох вафосини кўрдум мано.

Кўзум очтим, Лайли демай Аллох дедим,
Дунё демай охиратни гамин едим.
Шак келтурмай бирлигинга бўюнсундим,
То ўлгунча бир ахдимда турдум мано.

Ихлосимни кўруб маъшук кўлум олди,
Файзу футух тўла бериб йўлга солди.
Бўйнуи эгиб моуманлик яксон килди,
Туфрок бўлуб ўлмас бурун ўлдум мано.

Ошиқларга ишқин бериб ошиқ килди,
Рахмон эгам ўз йўлига содиқ килди,
Чин толибни даргоҳига лойиқ килди,
Лойиқ бўлуб тарикатга кирдим мано.

Ишқ ханжари кўксум тешти, килди хароб,
Йигламайму, шавқ ўтида бағрим кабоб.
Меҳнат торттим ҳеч бермади (манго) шароб,
Чўллар аро хасрат килиб юрдум мано.

Хос ишқидин баҳра олгон хайрон бўлур,
Расво бўлуб, халқ ичинда вайрон бўлур.
Дийдорини талаб килиб гирён бўлур,
Йиглай-йиглай бўйи Худо олдим мано.

Ишқ гулбаси бағрим ичра макон килди,
Гаму шукри аклим олиб пайхон килди.
Кимдин йиглай, харна килди, жонон килди?!
Жононимга арз олгали келдим мано.

Кул Хожа Ахмад, ойгон сўзунг болдин ширин,
Кўзунг ёшлиғ, кўнглунг синук, сўзунг хазин.
Иншааллох, бўлгунг охир Хакка яқин,
Сажда айлаб даргоҳига келдим мано.

10

Аллох, Аллох, субҳаналлох, қаён кетай?
Ёзуқларим ерга сигмас кимга ойтой?
Саттор эгам, айбим ёбсанг ўлуб кетай,
Қаро ернинг оросинда колдим мано.

Сочу сокол хўб окорди, кўнгул каро,
Тонгла борсам ё пучакман ёхуд саро.
Ким «аласту би раббикум» демиш вакто,
Билолмасман каю жамъдин бўлдум мано.

Гарибликни ўки тегди бошим котти,
Эссиз, умрум гафлат билан зоеъ ўтти.
Кофир нафсим тугён килиб мани ютти,
Во хасрато, на юз бирла боргум мано.

11

Мухаббатнинг дарёсига ўзум оттим,
Рахмат суйи – улуғ дарё чўмуб боттим.
Минг олтунлик кийматимни бирга соттим,
Банда бўлуб тегди куллуқ йўли манго.

Кичикликда килгон ишдин эмди ёндим,
Тавба тўнин кийдим, тавфик курин тонгдим.
Нафс кофини маркаб килиб, тегиб миндим,
Ондин тегди тарикатни йўли манго.

Тирикликда хайрон ўлуб йўлда колдим,
«Рабби» дею кеча йиглаб, кундуз кулдум.
Бошдин сочу юздин сакол анда юлдум,
Ондин сўнгра рухлар салом килди манго.

Кеча Аллох, кундуз Аллох дедим мунда,
Субхон Азим, Субхон Аллох дедим мунда.
Саккиз учмох кабул килиб турди анда,
Очиб салом килди беҳишт хури манго.

Кул Хожа Ахмад, кундек ёрур кўнглум нури,
Холатим йўк, коним йўк, рангим сори.
Кудрат канот берди, учтум Аршдин нори,
Рўзи килди даргохида борин манго.

12

Иродатка келдук эрса, эй ёронлар,
Каломидин хуш ажойиб сирни кўрдум.

«Муту кабла ан тамуту» хабар берди,
Ул сабабдин неча йиллар йўлни кўрдум.

Хавзи Кавсар тўрт буржида тўрт чахорёр,
Юзларидин окиб тургон нурни кўрдум.

Аршдин фаршга учор ул дам хайрат ичра,

Лавх ул-махфуз тахтасида дурни кўрдум.

Жон булбули сайраб кўбти сўзни бошлаб,
Бу сўзларни дафтар килгон дурни кўрдум.

Ошикларни киргузурлар беҳишт ичра,
Кеча-кундуз бокиб тургон хурни кўрдум.

Кўзум ёши равон бўлди чашма янглиг,
Гурбат ичра иродатни коршу кўрдум.

Хак ризосин билгонларга хамрох бўлдум,
Эранларни хизматида хурни кўрдум.

(Кул) Яссавий, кеч уйгондинг деб ойдилар,
Эранлар(ни) пандин олиб, йўлни кўрдум.

13

Ишксиз юруб тоат килур нодон зоҳид,
Бетуз ошдек тоатингни мазоси йўк,
Ошикман деб даъво килур ялгон ошик,
Валлох-биллох, чин ошикни хавоси йўк.

Ишк ўтида куюб-ёниб тоат килгил,
Окил эрсанг, йигламокни одат килгил,
Тунлар котиб, меҳнат тортиб, роҳат кўргил,
Меҳнат тортмай санго лутфи аълоси йўк.

Халк ичинда тоат килдинг, барча риё,
Аё зоҳид, килгон ишинг бори хаво,
Хеч нафъи йўк ушбу тоат, балки риё,
Мундог ишга Хакни асло ризоси йўк.

Пинхон юруб тоат килгил, Худо билсун,
Кўз ёшингни дарё килгил, раҳми келсун,
Ондин сўнгра Хак дардинга даво килсун,
Аё дўстлар, кўз ёшини риёси йўк.

Тасбех, таҳлил ушбуларни хавоси бор,
Тонгла борса юз минг офат-балоси бор,
Ёшдин бўлак барча ишни риёси бор,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Банда бўлсанг, Хак кахридин кўркмасмусан?
Хар тун, сахар надомат деб турмасмусан?
Даргоҳига ёшинг тўкуб бормасмусан?
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Кўп нодонлар кўз ёшини кадрин билмас,
Хак қошида кўз ёшидек тухфа бўлмас,
Тасбех, тахлил кўз ёшига тенг келолмас,
Йиглаб юргил кўз ёшини риёси йўк.

Бу оламда Хак Мустафо йиглаб ўтган,
Йигламоқдин кўзларининг нури кетган,
Йиглай-йиглай муродини хосил этган,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Неча йиллар йиглаб ўтти Одам ато,
Ондин сўнгра раҳм айлади бокиб Аллох,
Кўзда ёшин курутмади Хак Мустафо,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Кўб эранлар йигламоқдин тобти мурод,
Неча осий дуосидин тобти нажот,
Яхши билсанг, кўз ёшидур оби ҳаёт,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Етти минг йил ул Азозил тоат килди,
Мағрур бўлуб тоатиға, ҳаво килди,
Риё килиб даргоҳидин мардуд бўлди,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ғариб Мансур бир тун, сахар кўб йиглади,
Холин кўруб эранлар раҳм айлади,
Ондин сўнгра чилтан бокиб шароб берди,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Тонгла бўлса киёмат кун, аё дўстлар,
Пайдо бўлгой турлук-турлук аломатлар,
Юз минг кайгу, доғу ҳасрат, надоматлар,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ўшал вақтда малоикка фармон бўлгой,
Аввал-охир барча халқни хозир килгой,
Бир-бирини, яхши-ямон холин сўргой,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Аввал бошлаб хос куллардин уламони,
Олиб келгай даргоҳиға ушбуларни,
Танграм дегай: «Олиб келгон тухфанг қони?»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

«Тинмай юруб олимлардин илм ўргондук,

Харна билгон илмимизга амал килдук,
Ё Кодиро, улуг зотинг англаб билдук...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Аллох айди: «Бандам, муни ялгон айдинг,
Качон Мени ризом учун илм ўргондинг?
Ётсанг-турсанг хозир эрдим, хар иш килдинг...
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Айтиб эрдинг илм ўрганиб улуг бўлсам,
Халк ичинда онча иззат-хурмат кўрсам,
Дунё йигиб есам-ичсам, ўйнаб-кулсам...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ондин сўнгра шахидларни олиб келгай,
Даргохига барчалари бокиб тургай,
Олиб келгон тухфанг бўлса келтур, дегай,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

«Дин толошиб кофир бирлан уруш килдук,
Баъзиларни ўлтурубон гозий бўлдук,
Баъзиларин имон-ислом йўлга солдук,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Охир кўймай кофир олди жонимизни,
Бошни кесиб ерга тўқди конимизни,
Сарф айладук хам йўлингда молимизни...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

«Аё бандам, бу сўзларни бари ёлгон,
Кўнгул сиррин мендин тутуб бўлмас пинхон,
Зохир-ботин хар ишингдур менга исён,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Холларингни, бандаларим, хўб билурман,
Кайда бўлсанг, санинг билан хозирдурман,
Дилингдаги неку бадни мен билурман,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Айтур эрдинг, кофир билан уруш килсам,
Уруш килиб гозий бўлуб бошин олсам,
Улугларни инъомини тўла олсам...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ондин сўнгра олиб келгой сохидларни,
Тангрим дегай: «Олиб келгон тухфанг кани?»

Иззат-хурмат билан туттум ман силарни...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Зоҳид айтур: "Ризонг учун тоат килдук,
Тонг откунча намоз ўқуб киём турдук,
Кеча намоз кундузлари соим бўлдук...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Қачон тоат килдинг мени ризом учун,
Халк ичинда иззат-хурмат кўрмоғ учун,
Халкни йўлдин уруб молин олмоғ учун,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ондин сўнгра ганийларни олиб келгай,
Дунё молин онча санга бердум дегай,
Менга кани олиб келгон тухфанг, дегай,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ганий айтур: «Ризонг учун хайр килдук,
Таом бериб яхшилардин дуо олдук,
Факир, мискин, етимларни холин сўрдук...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Аллох айтур: «Ори, килдинг хайру сахо,
Халк ичида килдинг хама, барча риё,
Риё ишни, валлох, қабул килмам асло...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Эшитиб, ўқуб олим пандин олмадинглар,
Пинхон юруб хайру эхсон килмадинглар,
Дунёда ҳеч ризолигим тобмадинглар...»
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ондин сўнгра келгой хама девоналар,
Ҳақ ишкида жону тандин бегоналар,
Дийдор излаб ҳар тарафга жўёналар,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ошиқларни даргоҳига олиб боргай,
Бари Ҳақдин кўрқуб яна йиглаб тургай,
Угон Изим тухфанг бўлса келтур дегай,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ошиқ айтур: «Тухфамиз йўк гайр аз гуноҳ,
Килгонимиз доим эрур журму хато,
Лутфунг билан афв этмасанг холим табоҳ,

Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Барчалари йиглаб айтур: «Сен билурсан,
Иззинг улуг, харна килсанг, Сен эурсан,
Лутф айласанг, йўлсизларга йўл берурсан,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Кай кун бизга ишкинг тушти, ошик килдинг,
Фахму хирад аклимизни тугал олдинг,
Кайфийятни жомин бериб бехуш килдинг,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Аллох айтур: «Ошикларим, рост айтурсиз,
Мендин кўркуб багрингизни кон килибсиз,
Хасрат килиб, кўзларингдин ёш тўкубсиз,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Кўз ёшидин менга яхши тухфа бўлмас,
Мундин яхши даргохимга хадя бўлмас,
Фаришталар тоатлари тенг келолмас,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Кўз ёшини шиша узра куюб олгай,
Малоиклар гассол бўлуб, ани ювгай,
Ҳак таоло амри билан ани ювгай,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Кўрдунгузму, малоиклар, бандам, дегай,
Бу ошикдур, мен маъшукман, билинг, дегай,
Хурлар каршу чикиб анга салом килгай,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Туйдунгму, деб ошикларга нидо келгай,
Кимни кўрсанг шафоатни сен кил, дегай,
Гохи беҳишт, гохи Аршка учуб кўнгай,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Хуру жаннат Худойига арз айлагай,
Ушбу азиз кимдур, баён килгил, дегай,
Бир соатки бизга мехмон бўлсун дегай,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Нидо келгой илохимдин "дўстум" деди,
Багри куюб, ёшин тўкуб, кўб йиглади,
Ҳорлик, зорлик, машаккатни рохат билди,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Ондин сўнгра Бурок, хулла кетургойлар,
Бошига тож, хулла, Бурок миндургойлар,
Тахти бешишт узрасига кўндургойлар,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Банда бўлсанг, ишкка кадам кўймасмусан,
Ишкдин улуг тоат йўктур, кўрмасмусан,
Хасрат килиб, багринг эзиб юрмасмусан,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

Кул Хожа Ахмад ишк дардидин айди мунди,
Неча улуг китоблардин олди мунди,
Хасрат килиб, йиглар эрди туни-қуни,
Йиглаб юргил, кўз ёшини риёси йўк.

14

Эранлар тубсиз дарё ичра пинхон,
Текма гаввос андин гухар олғони йўк,
Ошиклари ул тенгизга чўмуб ўйнар,
Жондин кечмай, ул гухарни олғони йўк.

Тарикатнинг бўстони дур хуш гулистон,
Толиблари булбул сифат килур жавлон.
Муяссар бўлгойму деб дурру маржон,
Ихлослик кул махрум бўлуб колғони йўк.

Бу йўлларнинг жафоларин хар ким тортса,
Тош ёстониб, пир эшигин саклаб ётса,
Субх янглиг кўнгул тонги ногох отса,
Ихлослик кул махрум бўлуб колғони йўк.

Кул Хожа Ахмад, савдо килгил бозор ўтмай,
Ажал қуни тугиб, ногох ойи ботмай.
Мавт шаробин Азроилдин ногох тотмай,
Ихлослик кул махрум бўлуб колғони йўк.

15

Кудрат билан фармон килса бандасига,
Бу оламда ҳеч ким ўлмади колғони йўк,
Бу омонат жонни берди Мавлом бизга,
Кобиз келиб ани олмай кўйғони йўк.

Кобиз келиб азиз жонни кўймади олғай,
Дунёпараст ножинс одам гофил колғай,
Жонин келиб кабз эторда тавба килғай,
Тавбасини Хожам қабул килғони йўк.

Сихатликда тавба килгил, макбул бўлсун,
Сахарларда зори килгил, кўлунг олсун,
Эранларга хизмат килгил, йўлга солсун,
Хизмат килмай ҳеч ким йўлни билгони йўк.

Кулоксизга оят, хадис, хикмат харом,
Эссиз, хикмат ич-корнимда бўлсун тамом,
Нодонларга токай айтиб, йиглай мудом,
Дод айласам, ҳеч ким кулок солгони йўк.

Ер остига кириб едим хуни жигар,
Имон-ислом кўлга олиб килдим сафар,
Шайтон лаин килолмади менга зарар,
Мункар, Накир мендин савол килгони йўк.

Мункар, Накир хадди бўлмас килса савол,
Имон-ислом хозир туруб тобса камол,
Гўр ичинда Хак кўрсатса менга жамол,
Ондог куллар икки олам ўлгони йўк.

Сўзни айтгил сўз кадрига етгонларга,
Ихлос билан сўзга кулок солгонларга,
Сўзни чайнаб мазосига етгонларга,
Беихлослар сўз кадрига етгони йўк.

Сўзга етмас беҳабарга эссиз маъни,
Сўзни айтсанг, донога айт, дурни кони,
Хизмат килмай етгон борму, билсанг муни,
Хизмат килмай эранларга етгони йўк.

Дур конини мендин сўрсанг шайхи содик,
Ондог кулни хулки хуши Хакка лойик,
Кўнгли восиъ, жони масих, ўзи ошик,
Ондог эшон Хакдин махрум колгони йўк.

Ондог эшон пайдо бўлса, жонинг бергил,
Хар бир боскон изларини кўзга сургил,
Пири комил мукамилдур, бешак билгил,
Гиларўлар пир кадрини билгони йўк.

Гиларўни ёмон-яхши хар ким пири,
Ихлоси йўк пирга маълум доим сири,
Неча айтсам, кетмас андин кўнгул кири,
Гиларўлар пирдин улуш олгони йўк.

Харён боксанг Худо хозир гиларўлар,

Аллох ёдин баланд айтиб йигласанглар,
Ялгону чин Хакка маълум, рост йигланглар,
Ялгон гиря Хакка макбул бўлгони йўк.

Чин дарвишлар тош устида тоат килди,
Коттик ерни бистар килиб, одат килди,
Юз минг бало бошка тушса, токат килди,
Токат килмай Хак васлига етгони йўк.

Тавбам кабул бўлсун десанг, сахар йигла,
Жондин кечиб, молдин кечиб, белинг богла,
Мухаббатнинг ўти билан юрак догла,
Мундог бўлмай Хакка восил бўлгони йўк.

Хос дарвишлар Хакни излаб жондин кечти,
Риёзатни коттик тортиб, кўксин тешти,
Ондин сўнгра вахдат майдин тўё ичти,
Ялгончилар вахдат майдин тоткони йўк.

Ишк пояси Аршдин баланд кўлунг етмас,
Вахдат майдин тўё ичгон таом тотмас,
Ишк сояси тушгон ошик халкка бокмас,
Ялгончидур мен деб эшитиб кўргони йўк.

Майхонага киргон толиб холи ўзга,
Оят, хадис баён килсанг, етар сўзга,
Ахлин тобса, изин олиб, сурар кўзга,
Ондог ошик бу оламда тургони йўк.

Хакпарастлар хар ён бокиб Хакни кўрар,
Жазба келса, хар тарафга ўзин урар,
Ялгончилар кўрдум дебон дўкон курар,
Кўрдум дерлар, Аллох хакки, кўргони йўк.

Ялгон дарвиш баёнини ойтор санга,
Кўлда тасбех, дилда – хийла, фикр – танга,
Окил эрсанг, ихлос килма зинхор анга,
Ул нодондин хеч ким бахра олгони йўк.

Хакни тобкон туфрок бўлуб йўлда ётор,
Туфрок сифат олам ани босиб ўтор,
Манманликлар бошин босиб, тебиб кетор,
Бош кўториб анга сухан килгони йўк.

Кул Хожа Ахмад, харна бўлсанг факир бўлгил,
Койда борсанг, бўйнунг кисиб, хакир бўлгил,

Ошик бўлсанг, ишк илгида асир бўлгил,
Асир бўлмай ҳеч ким мурод тобкони йўк.

16

Ошиклари ўйнаса, бу халканинг ичинда,
Ху-Ху тею жон берса, бу халканинг ичинда.

Ишк ўтига койнаса, аклу хуши ўйнаса,
Аллох тею жон берса, бу халканинг ичинда.

Жоми шароб ичилур, дурру гухар сочилур,
Жонни кўзи очилур, бу халканинг ичинда.

Ишк баҳрига чўсам мен, нола-фарёд килсам мен,
«Ху-Ху» тею ўлсам мен, бу халканинг ичинда.

Руҳи ҳолат зикруллох, ла илаха иллаллох,
Исми аъзам хуваллох, бу халканинг ичинда.

Хар кимиға завк хола, бўлса бўлур бу вола,
Сокий сунар пиёла, бу халканинг ичинда.

Зокир куллар жамъ бўлуб, фарёд уруб, жон узуб,
Сокий юрор ўргулуб, бу халканинг ичинда.

Куйса-ёнса, кул бўлур, ўлса, учса, ўз бўлур,
Конга тушса, туз бўлур, бу халканинг ичинда.

Хизру Илёс хозир ул, гавсу гиёс нозир ул,
Ботин кўзи зохир ул, бу халканинг ичинда.

Толибларни муршиди, Кул Хожа Ахмад деб ойди,
Бош ўйнагил сен деди, бу халканинг ичинда.

17

Ошиклари доим тилар дийдорини,
Сахарларда гафлат бирла ётмас бўлур.
Нодонлардин ушбу сирни пинхон килиб,
Жохилларга ошикман деб ойтмас бўлур.

Ориф, ошик дунё учун гам емади,
Бу дунёда иззат-хурмат бер демади.
Кеча-кундуз кўз ёшидин ойрилмади,
Гафлат бирла гамларига ботмас бўлур.

Орифларнинг даргохидур гухар кони,
Ул тенгизда лаълу гухар йўк имкони,

Хисобини билур анда Ишк Султони,
Ошикларни акли анга етмас бўлур.

Ошиклари гаввос бўлуб чўмса дарё,
Чикса андин улуг дурлар бўлур пайдо.
Жондин кечмай жонон юзин кўрмок койда?
Эмгак бирлан тобгон кўлдин кетмас бўлур.

Фоний фано бўлмай кўрмас фано мулкин,
Ошик бўлса, пинхон килур вужуд кўркин.
Хасрат тонги хасрат бирла ўтормукин?
Гам тогидин эмгонмайин ўтмас бўлур.

Ул укбадин химмат бирла ошомагинг,
Тўрт юз кирк тўрт ёшинг (бирла) ёшомагинг,
Уч юз олтмиш банди богинг бўшомагинг,
Мехнат тортмай рохат тонги отмас бўлур.

Кул Хожа Ахмад эранларни ёд айлабон,
Хикмат ойтиб, ушбу сўзни килди баён,
Тинглангизлар, ушбу сўзни, барча ёрон,
Ялгон сўзни халойикга ёймас бўлур.

18

Кеча-кундуз Хак ёдини ойгон ошик,
Маъшук ёдин тилдин харгиз кўймас бўлур.
Хорлик-зорлик машаккатни рохат билгон,
Бу дунёнинг иззатини суймас бўлур.

Фикру зикри Хак эгамни саносидур,
Дийдор талаб килиб юргон гадосидур,
Хакни зикри жумла дардни давосидур,
Дунёлигдин кўлга зарра олмас бўлур.

Рахм айласанг, бўстон килгунг тогу чўлни,
Ё Аллохим, ёрликагил жумла кулни.
Йўлдин озгон гумрохларга кўргуз йўлни,
Ошикларни изин излаб колмас бўлур.

Аё ошик, кеча-кундуз Хакни изла,
Зохир юруб, ботинингда Аршни кўзла.
Хикмат ўкуб оят-хадис сўзин сўзла,
Хазон янглиг кизил юзи сўлмас бўлур.

Домлар кўюб халойикни йўлдин ургон,
Ялгон ошик бўлуб (даву) дўкон кургон.
Кеча-кундуз ишрат килиб даврон сургон,

Дунё молин кўруб кўзи тўймас бўлур.

Сахарлари эрта кўпуб зори килгон,
Яхшиларга хизмат килиб дуо олгон.
Пири мугон сори юруб хизмат килгон,
Пири мугон этогини кўймас бўлур.

Пири мугон – Хак Мустафо бешак билинг,
Оти чикса, дуруд ойтиб, таъзим килинг.
Суннатларин махкам тутуб, уммат бўлунг,
Уммат бўлгон шаръ йўлидин ёнмас бўлур.

Ошик бўлсанг, сахарларда тинмай йигла,
Гарибларни изин излаб, кўнглин овла.
Дунёпараст ножинслардин бўюн товла,
Чин ошиклар бу дунёда кулмас бўлур.

Кул Хожа Ахмад, ошик бўлсанг, зори килгил,
Халка куруб ким зикр ойтса, ёри бергил.
Зикрин ойтиб, сухбат ичра дурлар тергил,
Гухар олгон харгиз гофил бўлмас бўлур.

19

Ориф-ошик жон мулкида алам тортса,
Етти аъзо токат килмай ларзон бўлур.
Ишк дарёси вужуд ичра жўш айласа,
Беҳуд бўлуб гирдоб ичра хайрон бўлур.

Гаввос керак ул дарёга ўзин солса,
Кармок солиб нахангларин сайд айласа,
Дурру максуд андин кейин кўлга олса,
Ондог муршид халк ичинда пинхон бўлур.

Тарикатнинг йўли узок килсанг сафар,
Кими етар, кими етмас, кимга хатар.
Излаганлар эранларга охир етар,
Эр назари теккон киши мардон бўлур.

Йўлун топкон мардонларга хизмат килур,
Кўб анжуман оросида хилват килур.
Ахлу иёл, молу мулкдин узлат килур,
Мушкул ишлар билмон нечук осон бўлур.

Хар ким кийса маломатнинг хилъатини,
Ботин ростлаб, вайрон килса суратини.
Хеч тортмаса махлукотнинг миннатини,
Мундок ошик борса, анда султон бўлур.

Окил эрсанг, тўгри йўлга кадам ургил,
Мардонларни сухбатидин бахра олгил.
Асхоби Кахф итин кўруб, ибрат олгил,
Ибрат олгон хос куллари жонон бўлур.

«Ё Раббано, фагфирлано, зунубано!»,
Гунохимга икрор бўлуб келдим мано.
Кахр айласанг, кохир сано, кодир сано,
Лутф айласанг, юз минг осий хандон бўлур.

Кул Хожа Ахмад, узок йўлда хайрон бўлдунг,
Амалинг йўк, кундин кунга гирён бўлдунг,
Эранларга ета билмай сарсон бўлдунг,
Анда борсанг надоматлар чандон бўлур.
20

Хак Мавломнинг назари кимга тушса,
Нодон бўлса, бир лахзада доно бўлур.
Уч юз олтмиш томурлари нурга тўлур,
Тўрт юз кирк тўрт сўнгаклари бино бўлур.

Ондин сўнгра вахдат майдин тўё ичор,
Ахлу иёл, хонумондин тугал кечор.
Аллох дею койда борса, шайтон кочор,
Етти аъзо хамдин ойтиб гўё бўлур.

Вахдат майдин ичгон ошик бехуд бўлар,
Мансур янглиг жондин кечиб дорга минар.
Ихлос бирла пир этогин махкам тутар,
Пири мугон назар килса гўё бўлур.

Жисмим: «Раббим - жон Аллох» деб йўлга киргил,
Жону дилим бир Аллох деб сахар тургил.
«Ма фи калби иллаллох» деб йиглаб юргил,
Йўлсизларга Хак Мустафо худо бўлур.

Ишк бахрига чўмгон ошик гухар олур,
Булхаваслар ошикман деб йўлда колур.
Текма нодон, хомтамаълар нени билур?
Гухар олгон чин ошиклар дарё бўлур.

Дунё суйгон гофил одам Хакни суймас,
Бу йўлларни укбаси кўб харгиз билмас.
Сахарларда чорзарб уруб харгиз кўймас,
Тонгла борса охиратда хандон бўлур.

Хакга ошик бўлгон киши жондин кечор,

Беҳуд бўлуб, шавк шаробин тўё ичор.
Рўзи килса жаннат кириб хурлар кучор,
Ла илаха иллаллох деб шайдо бўлур.

Феълинг озди, халойикдин шафкат кетти,
Лаънат ёғди, кундин кунга раҳмат кетти.
Хожа, мулло, яхшилардин иззат кетти,
Турлук-турлук аломатлар пайдо бўлур.

Мунофиклар фиск этибон ўзни билмас,
Анинг учун яхшиларни кўзга илмас.
Кўнгли коттиг, яхши сўзга кулок тутмас,
Киёматда Хак қошида расво бўлур.

Кунда юз минг Аллох десанг, анга ёқар,
Кўз ёшингни дарё килсанг, маъшук боқар.
Бағринг ичра дардинг бўлса, ёшинг оқар,
Аллох ўзи чин дардликка даво бўлур.

Кул Хожа Ахмад, меҳнат килгил, олам куйсун,
Фаришталар сандин келиб улуш олсун.
Аршу Курси, Лавху Қалам нурга тўлсун,
Нурдин баҳра олгон кўнгул сафо бўлур.
21

Ишк тажалли килса кимни вужудинда,
На килурин билмай тун-кун хайрон бўлур.
Зикри фикри Хак висоли бўлур мудом,
Ёш ўғлондек икки кўзи гирён бўлур.

Дунё бирла қолмас ани зарра иши,
Зикрин ойтса, нурга тўлур ичи, таши.
Аллох дегақ, равон бўлур кўзда ёши,
Ишк ўтида қуюб-ёниб, бирён бўлур.

Моуманни, нафсу ҳаво, хирсни қўйса,
Пири муршид муқаммилга ўзин солса.
Адхамлайн кўнгул мулкин сиво қилса,
Барча мушкул иши ани осон бўлур.

Шариатдин тарикатга қадам қўйгон,
Дунё ишин тарқ айлабон Хакни суйгон.
Ҳақиқатнинг асроридин маъно олгон,
Маърифатни майдонида урён бўлур.

Мундоғ бўлгон ошиқларни нишони бор,
Хак ёдини тун-кун ойтиб қилмас қарор.

Умид этмас бу дунёдин молу дунё,
На сўзлагон сўзи анинг имон бўлур.

Кайси ошик халка ичра жонин берса,
Жондин кечиб, шаходатнинг тўнин кийса.
Зухд айлабон ўз нафсини кўзин ўйса,
Эранларни каторида мардон бўлур.

Кул Хожа Ахмад, минай десанг кушдек бурок,
Нодонлардин этгил мудом ўзунг йирик.
Кайгу бирла хажру меҳнат, тортгил фирок,
Фирок тортгон ошик тонгла султон бўлур.

22

Эй дўстларим, орифлар холис суҳбат эторлар,
Ул суҳбатда маърифат дурларини сочорлар.

Суҳбат вақти хозир бўл, эранларга нозир бўл!
Ул холатда эранлар, эрга назар килурлар.

Холат вақти эранлар дарёларга юзланса,
Тобонлари нам бўлмай, дарёларни кечорлар.

Мурид бўлсанг муршидга, маҳкам бўлгил, эй толиб,
Муридларин муршидлар хар боб билан синорлар.

Химмат тутса эранлар кўзни юмуб очкунча,
Дарёларни букарлар, тоғларни ҳам кесорлар.

Тангри суйгон кишининг, иши анинг биландур,
Хар кимни Хак суюбдур, борча ани суёрлар.

Ўзларининг муродин чин ошиклар тиламас,
Маъшукининг муродин доим алар тиларлар.

Кул Хожа Ахмад, вокиф бўл, файзу раҳмат эшигин,
Зикру тоат вақтида, фаришталар очорлар.

23

Кўнгул ичра кириб жавлон килдук эрса,
Ишк отлиг султонини кўрдук эрса.
Сониъ кудрат илохимга боктук эрса,
Ўшал ерда хол илмини кўрунг, дўстлар.

Ишк султони горат килди аклимизни,
Хам кувлади нафсу шайтон, кибримизни.

Шукру лиллах, билдук эмди раббимизни,
Илхом бирла берор маъно, сездук, дўстлар.

Илхом инди Хак таоло рахматидин,
Хожам сунди ушбу вахдат шарбатидин.
Бўлдук эмди ул Мухаммад умматидин,
Кол илмимиз холга бадал бўлди, дўстлар.

Аввал фано, охир фано, бўлмок фано –
Ул макомга етгон ошик килмас сано .
Жононимиз жамолини хакдур кўрдук,
Жон жонга уланди, билдук, дўстлар.

Жонимиз жамоли хакдур кўрдук,
Жон ичра билинур эмди тахкик билдук.
Илхом етти Субхонимдин, эмди сездук,
На ким келса, Хакдин илхом билдук, дўстлар.

24

Аё дўстлар, хабар бериб шариатдин,
Тарикатда Аллох ёдин ойтинг, дўстлар
Ориф жонлар хабар берур хакикатдин,
Аллох тею Хак зикрини ойтинг, дўстлар.

Эр – ул турур, кулман тею куллуқ килса,
Кўркуб Каххор отидин ул фармон тутса.
Етти тамуг учкунига каршу келса,
Аллох деса андин кайтар, билинг, дўстлар.

Кимки Аллох деди, анда ўзин тобти,
Хакикатнинг сўзин сўзлар ўлар вакти.
Неча йиллар Шаддод, кўрунг, учмох ёпти,
Киролмади, андин ибрат олинг, дўстлар.

Борму эран, ондог ишдин рози бўлса?
Инонмасун дунёсига Корун бўлса.
Минг яшагон Лукмон хаким ўлар бўлса,
Йўқтур ўлмай колгон мунда, билинг, дўстлар.

Учмох ичра ўрун бергай каю жонга,
Кимки тоат бирла ишлаб чикса тонгга.
Исрофилни сури кирса каю жонга,
Биз Мухаммад умматимиз, билинг, дўстлар.

Кул Хожа Ахмад, Хак зикрини ойсанг мудом,

Рахмат ёгор бошинг узра алад-давом.
Эранларнинг хизматида бўлсанг мудом,
Озод килса, дорус-салом борур, дўстлар.

25

Ошиклари колни ўкуб холга кирса,
Хол баҳрига чўмса, гаркоб бўлор, дўстлар.
Кол бирла хол бир кемадур, муни билса,
Колсиз, холсиз ул дарёдин ўтмас, дўстлар.

Бу хол йўли нозик йўлдур, хатари бор,
Олим колсиз кадам урса, уқбалар бор.
Пири комил-мукамилсиз ўтмак душвор,
Кол илмини билгон амон ўтор, дўстлар.

Ушбу йўлда рахбарсизлар бисёр эрур,
Шайтон лаин кашф кўрсотиб кўб озгурур.
Беилм одам бу нисбатга магрур эрур,
Онинг учун аро йўлда колор, дўстлар.

Куллуқ улдур Куръон ўкуб амал килса,
Колни ўкуб, холни ўзга дарбар килса,
Пири комил мукамилга хизмат килса,
Икки дунё чароги деб ойтинг, дўстлар.

Беилм одам шайхлик килса, ривож тобмас,
Нозук йўлдур, беилм харгиз билса бўлмас.
Эй дўстларим, шайх бўлмаклик осон эмас,
Рахбар тею шаръ йўлида юрунг, дўстлар.

Пири комил хар толибга бермас иршод,
Толиб бўлса тун уйкусин килса барбод.
Кўб пойгада ўзуб келмас хар яхши от,
Риёзатни коттик чеккон ўзор, дўстлар.

Жумла толиб ибодатка ожиз келгой,
Тахажжудни вақти бирла тузолмагой,
Нисфи шабдин туруб вирдин килолмагой,
Пири комил анга рухсат бермас, дўстлар.

Аллох дегон бандаларни инояти,
Талабида юргон банда Хак рахмати,
«Фазкуруни азкурукум» Хак ояти,
Дам ганимат, Аллох зикрин ойтинг, дўстлар.

Марду занга, ўгул-кизга илм фарз деди,

«Талаб ул-илми фаризатун» деб расул оиди,
«Ма яжузу бихис-солат» илм зарурий,
Тирик борсиз, то ўлгунча ўкунг, дўстлар.

Мулло бўлуб, маъно ўкуб, китоб ойтса,
Йўлни топиб, ямон йўлдин ростга койтса,
Пир этогин маҳкам тутуб хизмат этса,
Тоатлик кул ўлса армон килмас, дўстлар.

Ушбу йўлга риёзатлик толиб керак,
Нафс-хавони кўюб тоат килмок керак,
Жафо тортиб пир нисбатин тутмок керак,
Риёзатсиз Хакка восил бўлмас, дўстлар.

Беилм шайхлик даъвосини килиб бўлмас,
Асо бўлмай каронгуда юруб бўлмас,
Кўрмас бўлса, чукур ерни кўруб бўлмас,
Кудук ичра тушгон омон колмас, дўстлар.

Пири муршид килса мудом амри маъруф,
Мурувватлик, ширин сўзлик, яхши хўйлуқ,
Кеча-кундуз риёзатни чекса ул хўб,
Ондог пирни хизматида юрунг, дўстлар.

Хакка ошик бўлуб айди Кул Хожа Ахмад,
Аллох кафил дардимизга, кил ибодат,
Колу холни жондин тортиб кил риёзат,
Тоатлик кул жамолини кўрор, дўстлар.

26

Каро отига минмагунча, каро кўрмас,
Каро лочин кўнмагунча, сирни кўрмас.
Сирни кўргон орифлари мунда турмас,
Сахар вақтда жонни кийнаб турунг, дўстлар.

Каро лочин кайрилибон канот кокар,
Ошик улдур, тан-жонини ўтка ёкар.
Пири мугон назар килиб анга бокар,
Шункор янглиг канот кокиб учар, дўстлар.

Давлат янглиг шункор куши кимга кўнар,
Лочин янглиг халка ичра ўзин урар.
Жонни куши парвоз килиб хозир турар,
Хозир бўлуб тавба килиб юрунг, дўстлар.

Аё дўстлар, охир бўлди замонамиз,

Хеч колмади бу дунёда нишонамиз.
Хабар берди «адувван» деб жононамиз,
Аллох зикрин тинмай ойтиб юрунг, дўстлар.

Рўзи «нахну касамно»да улуш берди,
Улуш олгон бандалари йўлга кирди.
Шамъин кўруб парвонадек ўзин урди,
Жонни жонга пайванд килиб юрунг, дўстлар.

Хак расулнинг ойгонлари келди, бўлгой,
Охир замон нишонаси бўлди, бўлгой.
Фиску фасод дунё ичра тўлди, бўлгой,
Турлук-турлук даъво ишни кўрунг, дўстлар .
27

Олимни туткил иззат, килгил икром,
Олимни Куръон ичра ўгор, дўстлар.
Олимлар очор жумла мушкулотни,
Жохиллар жахлини ким тўкор, дўстлар.

Хак-нохак(ни) баёнини олим билур,
Халол-харом фаркин оми койдин билур?!
Олимлардин омилар кўб фойда олур,
Бу дунёда яхши отин кўллар, дўстлар.

Жохил авом олим сўзин хеч тингламас,
Текма жохил ўзини хеч ўнгламас.
Олимни Аллох омига тенг айламас,
Хар олим юз минг омига етор, дўстлар.

Бўлмаса олим авом нега явор,
Килмас эрди еру кўк, олам карор.
Килмиши учун олим ёзук кўрор,
Кўк табо ошмас ерда турор, дўстлар.

Дину дунё олим билан бўлур хосил,
Ибодат килса кабул, Ҳакка восил.
Эътикод кил, керак бўлса ариг насл,
Чин ошик бир сўзга бош эгор, дўстлар.

Авом тандур олим эрур танда жонтек,
Шох Хусайн бўлса олим керак хам тек,
Инсу жинда олим-малак оми жинтек,
Тутмангиз ишқал зинхор инкор, дўстлар.

Олимларни хор кўрмак эрмас раво,
Хор кўрмагой ул хам яна ер-кўк, хаво.

Нечаким факир, мискин ул бенаво,
Олимни хор кўрмангиз зинхор, дўстлар.

Олимни хор кўрса ул куфру нифок,
Насс хадис бор инсу жин бил-иттифок,
Олимни суйгон мўъмин юзи оффок,
Саволи йўк ёзукидин инкор, дўстлар.

Хожа Ахмадга илхом берди ойсун тею,
(Хар) олимни эъзозини билсун тею,
Хар ким билса, муни амал килсун тею,
Олим иззатин килгон жаннат кирор, дўстлар.

28

Сахар сайрар булбуллар, гул ёдидин хар замон,
Сен сайрасанг на бўлгой, Хак ёдидин хар замон.

Хар курту куш ойтодур хар навъ бирла санони,
Курту кушча бўлмадинг, Ху демадинг хар замон.

Субхидамда тургойлар, роз ойтушур Хак билан,
Санда химмат бўлмади, роз ойтмадинг бир замон.

Дунёга гаркоб бўлдунг, куфру исёнга тўлдунг,
Эмди ўзунгга келдинг, фикр килгил хар замон.

Кўйгил дунё фикрини, килгил Хакни зикрини,
Бузгил шайтон мулкини, зокир бўлгил хар замон.

Чин ўларсан бегумон, бузулур бу хонумон,
Неча ўкусанг Куръон, имон этгил бир замон.

Кул Хожа Ахмад, белингни икки ердин боглагил,
Келса ажал кўймасдур, жонинг олур шул замон.

29

Келинг, дўстлар, пир хизматин баён айлай,
Эшитиб, кунг, хизмат килинг, дўстларимо.
Хорлик-зорлик, машаккатни аён айлай,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Урса-сўкса пир этогин махкам тутгил,
Аё толиб хизмат ичра конлар ютгил.
Жон бер деса ихлос бирла жондин ўтгил,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Толиб бўлсанг, йўл остида бўлгил туфрок,

Вақти кузда дарахтлардин тушгон яфрок.
Ошиқ бўлсанг, дийдорига бўлгил мушток,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Чин толибга пирдин тегар кунда сончик,
Зохир сончик ботин ичра болдин тотлик.
Жазби холат инъом килгой ишки коттиг,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Ингронмагил пирдин текса хар дам жафо,
Дийдор талаб икки олам сурмас вафо.
Рўзи махшар дилларини килгой сафо,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пиру комил мукамилни таний десанг,
Хуни жигар егил, агар толиб бўлсанг.
Гозий дер(лар) бул мақомда ўлуб борсанг,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пиру комил мукамилни фарқи бўлгой,
Пиру комил хулқлар бирла кўлунг олгой.
Мукамал (пир) ботин ичра йўлга солгой,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пир амрини тутмагонни валлох кўрдим,
Дўзах ичра нечуксан деб холин сўрдим.
Малоиклар ура берди, мен ҳам урдим,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Бу оламда яхшилардин кочиби ўттум,
Хакдин кечиби шайтон сўзин маҳкам туттум.
Эй ноинсоф, дунё учун конлар юттум...
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пир хизматин килгон киши нури равшан,
Дийдорига Аллох ўзи ваъда килгон.
Шак келтуруб, ялгон толиб йўлда колгон,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пир хизматин килгонларни бўйни синук,
Хизмат килгон толиблардин кочгой тамуг.
Пир таърифин ҳеч туганмас, ойтсам камуг,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пир хизматин килгон киши дасти дароз,
Ул сабабдин дунё бирла доим ароз.

Ашки сурхи, ранги, зарди Хакка ниёз,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Хизмат килгон етор охир Худойига,
Пири мугон зомин бўлди гунохига.
Пир еткургой Хак таоло панохига,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пир хизмати, эй толиблар, осон эмас,
Толиблари пир олдида мисли магас.
Адаб саклаб, пир олдида таом емас,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пирни лутфи Хакни лутфи тарикатда,
Хак инъоми пирга етар хакикатда.
Ходий бўлуб йўлга солгон маърифатда,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пир хизмати – Хак хизмати адаб килунг,
Сахар вақтда назар килур, огох бўлунг.
Эй толиблар, бедор бўлуб йўлга киринг,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Хизмат килгон толиблари Хакка якин,
Кимни кўрса тавозеълик, сўзи хазин.
Иншааллох, ондог толиб Хакка якин,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пиринг – гассол, мурид – мурда сўзлаёлмас,
Кўнгул бергон пирдин ўзга кўзлаёлмас.
Хакни тобгон Хакдин ўзга излаёлмас,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Пирсизларнинг баёнини ойтой сизга,
Рўзи махшар ранги рўйи бўлгой ўзга.
Толиб бўлсанг, кулок солинг яхши сўзга,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Зори килиб кимга борса, кўлин олмас,
Хидоятда дод айласа, йўлга солмас.
Андог кулда иймон-ислом дини бўлмас,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Ходийман деб шайтон лаин йўлга бошлар,
Ит суратлик бўлуб ани копиб тишлар.
Хайбат килиб, дўзах ичра элтиб ташлар,

Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Дўзах ичра во вайлато, надомато,
Нола килгон, қачон бўлгой киёмато.
Хакка куллуг килмадим деб надомато,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Хуни жигар ютуб айдим сизга хикмат,
Дуо килай, сизларни ҳам килгой рахмат.
Гайрат килиб, Хак сорига богланг химмат,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

Кул Хожа Ахмад, содик бўлуб пирга боргил,
Этагига юзинг суруб, улуш олгил.
Илиг-аёғ коим килиб хозир тургил,
Эшитиб, укуб, хизмат килинг, дўстларимо.

30

Йигламайму тавба килмай хаддин оштим?!
Шайтон лаин макри бирла турфа шоштим.
Назар килди пири мугон сори коштим,
Тавба килиб, дийдор кўрунг, дўстларимо.

Хак расулнинг инояти бўлди манго,
Оят-ҳадис сўзин баён килдим санго,
Тобеъ бўлуб, ойтгонларин килгил анга,
Тобеъ бўлуб, дийдор кўрунг, дўстларимо.

Уммат бўлсанг, дуруд ойтиб тобеъ бўлгил,
Оти чикса, дуруд ойтиб таъзим килгил,
Ризку рўзи харна берса конеъ бўлгил,
Конеъ бўлуб, дийдор кўрунг, дўстларимо.

Хакикатлик бандаларга рўзи берди,
Ейиб-ичиб неъматларин ёдин олди.
Отин эшитиб, адаб килиб таъзим килса,
Таъзим килиб, дийдор кўрунг, дўстларимо.

Хак таоло бўйин олгон мунда турмас,
Жохил куллар ўзин кўрар-айбин кўрмас.
Жинси одам ошикликда дам уролмас,
Ошик бўлуб, дийдор кўрунг, дўстларимо.

Чин умматлар жондин кечиб дийдор кўрди,
Нав толибдек халка ичра ўзин урди,
Койда борса ишк дўконин анда курди,

Дўкон куруб, дийдор кўрунг, дўстларимо.

Умматман деб тилда ойтур, дилда – ялгон,
Нафси учун ўз жонини ўтга солгон.
Шайхман тею киши молин зўр(ла) олгон,
Назрин олмай дийдор кўрунг, дўстларимо.

Кул Хожа Ахмад, дунё кўрсанг, кочо кўргил,
Канот кокуб хаво сори учо кўргил.
Ахлу иёл душман санго, кечо кўргил,
Жудо бўлуб, дийдор кўрунг, дўстларимо.

31

Хилват кириб, дўстларим, ёд этолук доимо,
Мухаббатни шаробин нўш этолук доимо.

Мухаббатнинг шаробин ҳеч кишига бермаслар
Багир конин окузуб, ошик ичор доимо.

Мухаббатнинг шаробин ичгон ошик нишони,
Вола бўлгон булбулдек, фарёд килур доимо.

Мурид – мурда, пир – гассол, ўкуб юрур хасби хол,
Кўрай дебон ул жамол, жавлон килур доимо.

Муридларин тарбият, кунда юз минг хосият,
Ўзларин чўпон сифат, чўпон килур доимо,

Халка куруб эранлар, Ху зикрини бошласа,
Ул Зикриё пайгамбар хозир бўлур доимо.

Ондин сўнгра Хак нурын зокирларга сочарлар,
Малоиклар саф тўлуб, арра бошлар доимо.

Мухаббат шаробини кўлга олиб Мухаммад,
Зокирларга сунубон, сокий бўлур доимо.

Мухаббатни шаробин ичгон учун Хожа Ахмад,
Арш устига кўнубон, парвоз килур доимо.

32

Маърифат бўстони ичра кириб,
Аввал тавҳид дарахтини кўрдум анда.
Ул дарахтнинг хар шохида меваси бор,
Субхон Изим рўзи килди олдим мано.

Ул дарахтнинг аслин билсанг, «Ху»дин эрмиш,
Тафрид, тажрид чашмалари сувдин эрмиш.
Ул дарахт ошиқларнинг ери эрмиш,
Мушохада килдук, дўстлар, хазратида.

Текма нодон ул дарахтнинг ери эрмиш,
Нафсим дегон ул мевадин харгиз емас.
Хомтамаълар нафси учун нелар демас,
Нафсдин кечгон якин бўлур курбатинда.

Нафсдин кечдим, жон хижоби ўтру келди,
Жондин кечтим, жоним жонга коршу келди.
Гайбга тушуб, гайбга кириб гойиб бўлди,
Хасрат узра хасрат ўти гурбатинда.

Аввал химмат макомига киргил деди,
Азаматлик подшоҳлигим кўргил деди.
Ул тавхид мевасидин егил деди,
Лутфи бирлан едурди ишк неъматинда.

Кимга бахшиш берди эрса, бўлсун кутлуг,
Сад хазорон жоним бўлса, бўлсун булуг.
Ул дарахтнинг сифати(дур), дўстлар, улуг,
Шукрин ойтур, кулук килсун хизматинда.

Ул дарахтнинг соясинда ўлтургойлар,
Шавк шаробин ичиб рухин кондургойлар.
Мосуводин ўзни тамом йигдургойлар,
Карор килмас ишк тилаю химматинда.

Дўст тилагон ул бўстонда карор килмас,
Хакикатлик ошиқлари ишксиз бўлмас.
Кўнгул мулкин берса анга кўзга илмас,
Такво килур ичор набот шарбатинда.

Дўст(и) учун дунё укбо мулкин солиб,
Мавт ўти ичра кириб куюб-ёнуб,
Неча кувса даргоҳидин коршу келиб,
«Арини!» деб зор йиглаюр хазратинда.

Кул Хожа Ахмад кирди кўрунг майдон ичра,
Кўрди тавхид дарахтини бўстон ичра.
Ул дарахтнинг сифати(дур) Куръон ичра,
Хабар берди ул Иброҳим сурасинда.

33

Огоҳсизин кечти дўстлар эссиз умрим,

Во дариго, бориб анда на ойгойман.
Фазли бирла хукм килса – давлат манго,
Адли бирла сўрор бўлса, на ойгойман?

Ўттуз ошти, киркга етти ёшим мани,
Билмасманким, нечук кечти умрум мани.
Тонгла куни нечук бўлгой ишим мани,
Мискин бўлуб каён сори койрилгойман?

Маъсиятни дарёсига гарик бўлуб,
Юрумишман шайтон бирла рафик бўлуб.
Тун-кун йиглаб, кўзда ёшим ариг бўлуб,
Расво бўлуб бориб анда на ойгойман?

Озуксиз(ин) йўлга киргон ўлмоги бор,
Кўксиз дарахт чечакланиб сўлмоги бор.
Мужрим куллар борса анда сўрмоги бор,
Сўрар бўлса, ман кул анда на ойгойман?

Бу дунёни мунгу йўкин эмди билдим,
Бу асиг ишларимдин эмди ёндим.
Кул Хожа Ахмад, даргохингга сигниб келдим,
Кўркадурман каю сўзга тутулгойман.

34

Сахарларда чорзарб уруб Раббим десам,
Даргохида Хожам кабул килармукин?!
Хасратида бошдин аёк вирд айласам,
Даргохида Хожам кабул килармукин?

Тунлар кўпуб даргохига сано килсам,
Бошим кўюб хазратига дуо килсам.
Кон ёш тўкуб кўзларимдин, багрим тилсам.
Даргохида Хожам кабул килармукин?

Аллох учун мардонавор жоним берсам,
Зор инграюб зокир бўлуб Раббим десам.
Ахлу иёл, хонумоним ятим килсам,
Даргохида Хожам кабул килармукин?

Мансурдек "Аналхак" деб йиглаб юрсам,
Шиблийдек ошик бўлуб самоъ килсам.
Боязиддек тун-кун тинмай Каъба борсам,
Даргохида Хожам кабул килармукин?

Яхшиларни сухбатида коим бўлсам,
Ху-Ху тею зикрин айтиб доим бўлсам.

Ошиқлардек чарх урубон жоним берсам,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Айюб сифат қурт ранжига собир бўлсам,
Яҳё сифат кўзларимдин қон ёш тўқсам.
Мусо сифат Тур тоғида тоат қилсам,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Юнусдек дарё ичра балиқ бўлсам,
Юсуфдек қудуқ ичра тун-қун қолсам.
Яъқубдек Юсуф учун қон йиғласам,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Аё дўстлар, ҳеч қилмадим яхши амал,
Эранларни изин излаб қилмай жадал.
Беҳабарман, шармандаман рўзи азал,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Мен дафтари соний айдим қардга даво,
Туфроқ сифат босиб ўтса мани раво.
Йиғлаб қелдим эшигинга ман бенаво,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Тили билан умматман деб ялғон сўзлар,
Ваъзин айтиб ҳалойикка, дунё излар.
Қиши молин олмоғ учун ҳар ён қарлар,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Аллоҳ тею сидқим билан тавба қилсам,
Ғийбат қилғон тилларимни юз минг тилсам.
Ҳақдин қўрқуб дунё ишин ортқа қолсам,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Хикмат ўқуб ихлос қилиб йўлга қирғон,
Яхшиларни изин излаб дуо олғон.
Булҳаваслар ошиқман деб йўлда қолғон,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

Қул Хожа Аҳмад, хикмат ойғил ошиқларга,
Сидқ билан йўлга қирғон содиқларга,
Ихлос билан Ҳақни дегон лойиқларга,
Даргохида Хожам қабул қилармукин?

35

Субҳон Изим ҳидоятни рўзи қилди,
Телим хиҷоб қўнғимиздин қетормукин?
Туни-қуни ҳазратига Аллоҳ десам,

Мунглог банда максудига етормукин?

Маърифатнинг бўстонида булбул бўлуб,
Хак ёдида доим мудом машгул бўлуб.
Куллуқ килсам хазратига чин кул бўлуб,
Бу холатда рихлат тонги отормукин?

Эгри йўлга юрдум, доим хато килдим,
Эмди билдим, ўз жонима жафо килдим.
Даргохинга яком тутуб яно келдим,
Лутф айлабон тавбам кабул этормукин?

Эранларни изин излаб йўлга кирсам,
Остонагда дуо килиб юзум сурсам.
Гарибларни кўнглин овлаб дуо олсам,
Бу иш бирлан мани ишим битормукин?

Надоматда туни-куни ёшим тўксам,
Худойимга зори килиб арз айласам.
Яхшиларни хазратига шафиъ бўлсам,
Кул ниёзи бениёзга етормукин?

Ахмад, сани эссиз умрунг елдек ўтти,
Дунё тилаб охиратни шамъи ўчти.
Маъсият(ни) паймонаси тўлди-тошти,
Рахмон Тангрим гунохимдин ўтормукин?
36

Коронгу тун ичинда йўл адаштим,
Ёруглиг тонги ногох отормукин?
Куловузсиз йўлга кириб турфа шоштим,
Сайкал берсам зангорларим кетармукин?

Аё дўстлар, бу йўлларда хайрон бўлдум,
Бошим котти, аклим озди, сарсон бўлдум,
Икки олам барбод уруб урён бўлдум,
Откон тонги гафлат билан ботармукин?

Эранлар ушбу йўлда жондин кечти,
Зикрин айтиб сахарларда багрин тешти,
Жафо тортиб бу дунёнинг захрин ичти,
Ондог ошиқ рохат билан етармукин?

Ошиқлари тунлар кўпуб зори килгон,
Мухаббатнинг дарёсидин гухар олгон,
Булхаваслар ошиқман деб йўлда колгон,
Боязиддек ўзин бир кун сотармукин?

Кеча-кундуз самоъ килиб йиглагонлар,
Хизмат килиб ишк сиррини англагонлар,
Химмат курин белга махкам боглагонлар,
Шундог бўлмай вахдат майдин тотармукин?

Жафо чекмай, меҳнат тортмай вафо йўқтур,
Жафо торткон ошиқларни кўнгли тўқдур,
Жафо тортмай, меҳнат кўрмай роҳат йўқтур,
Гофиллар(и) хасрат билан ўтармукин?

Аё ошиқ, кеча-кундуз тинмай йигла,
Мухаббатнинг фўтасини белга богла,
Чор зарб уруб сахарларда юрак догла,
Ошиқлари роҳат билан етармукин?

Во дариго, ўтти умрум, тўймай колдим,
Бу дунёнинг муҳаббатин кўлга олдим,
Дунё излаб дин ишини ортка солдим,
Тавба килсам Хожам кабул килармукин?

Аё дўстлар, сахарларда нола килгил,
Кўз ёшингни окузубон жола килгил,
Хак зикрини айтиб ўзунг вола килгил,
Вола килгон Хак васлига етармукин?

Кул Хожа Ахмад, кечаларда коим бўлгил,
Тоат килиб кундузлари соим бўлгил,
Мансур янглиг "Аналхак" деб доим бўлгил,
Ошиқ бўлгон боши дорда кетармукин?

37

Раббим Аллох дебон кўздин ёшим сочсам,
Кулум дебон манинг холим сўргоймукин?
Юз минг турлук гуноҳимдин тавба килсам,
Раҳми келиб тавбам кабул килгоймукин?

Тилим билан Аллох зикрин жорий килсам,
Сахар вақтда кўпуб йиглаб зори килсам.
Химмат килиб кеча-кундуз кори килсам,
Даргоҳида Хожам назар солгоймукин?

Масжид кириб намоз килсам соҳидлардек,
Ишк ўтига куюб ёнгон ошиқлардек.
Ялгон сўзни тилга олмай содиклардек,
Орифлардек Хакга восил бўлгоймукин?

Пир этогин тутуб Хақдин килгой талаб,
Хар максудум бўлса пирдин килсам талаб.
Ушбу йўлда доим пирдин мадад тилаб,
Мадад бўлса, ишим равон бўлгоймукин?

Ё Раббано, ёдинг билан бўлсам мудом,
Бори умрум зикринг билан бўлса тамом.

.....

Талаб килсам хожат раво бўлгоймукин?

Кўл кўториб пирдин дуо олсам дерман,
Белин боглаб хизматида турсам дерман.
Химмат килиб рост йўлига кирсам дерман,
Кўнгул бориб анда нишон бўлгоймукин?

Хар кечани кадр билиб уйгок турсам,
Хизр билиб кимни кўрсам, дуо олсам.
Кули бўлуб маъно сўрай, кимни кўрсам,
Ушбу ишдин мурод хосил бўлормукин.

Гайрат килиб даргох сори кадам кўйсам,
Эрта сахар гафлатдаман ётмай турсам.
Сиво бўлуб барчасидин Хакни сўрсам,
Сиво бўлсам Хақдин мадад бўлгоймукин?

Кул Хожа Ахмадни ушбу сўзи орзу эрур,
Орзусига етолмайин кайгу еюр.
Таклид килиб Ху зикрини ойтиб юрур,
Ху-Ху десам сохибдилон бўлгоймукин?

38

Ишк кимёйи ахмар, олам дўкон эмасму?
Марди Худога маълум, уста дўкон эмасму?

Кўнглумда ишк Тури, тушти тажалли нури,
Хар бир отинг зухури, шамъи жахон эмасму?

Сартосари жахонга, бокса балойи тўфон,
Эй кавми Нух кўркинг, Хак киштибон эмасму?

Эман дарахтидинким Мусога ўт кўрунди,
«Инни аналлох» ойтур, асрори жон эмасму?

Исойи рухпарвар, тарки тааллук айлар,
Кўк сахнида каландар, яхши макон эмасму?

Яҳёни йиги тутти, Одам ўзин унутти,
Юнусни наханг ютти, бу имтихон эмасму?

Хуш хар Хаййу Субхон, хуш кудрат, хуш илхон,
Жаннат ичинда Ризвон, бир богбон эмасму?

Ошик муроди дилбар, зоҳидни майли минбар,
Жоми хуррамни истар, Хак ломакон эмасму?

Айни сахардадур гул, ошуфта мисли булбул,
Кўргоч ани кизил гул, рухсори кон эмасму?

Зинхор, эй сухан вар, беҳуда тўкма гавхар,
Кўнгул хазонасига тил, посбон эмасму?

Махдуми покбози, парвози шохбози,
Соҳиб хуруж гозий, чун Арслон эмасму?

Махмур олди дилу жон, куйди майи аргувон,
Султон Сотук Бугрохон, пири мугон эмасму?

Даргохлари кибриё, ислом очиб бериё,
Сархалкаи авлиё, соҳиб Куръон эмасму?

Авлоди анбиёдур, сардори авлиёдур,
Марди раҳи Худодур, олий нишон эмасму?

Давр даври Ахмад, хойр ул-башар Мухаммад,
Дунёву динга сармад, шаръи баён эмасму?

39

«Муту кабла ан тамуту» хадиси бор,
Ул олами фаҳри расул ойтмадиму?
Мустафонинг сўзин эмди ўкумадинг,
Сен укмасанг, бурунгилар укмадиму?

Укой десанг, пир этогин маҳкам туткил,
Тавба килиб дунё молин ортка солгил,
Уруб нафсни шайхинг учун ўзунг соткил,
Шундог пирга мурид ўзин сотмадиму?

Эрга илгинг бергил, жонинг фидо килгил,
Юрма йирок, бўлма ноҳак, бери келгил,
Ўлмак ҳақдур, ўлмас бурун тавба килгил,
Кўб кишилар тавбасизин ўтмадиму?

Ўлса, вале нафси ўлар, рухи ўлмас,
Сир сўзини нодонларга ойтса бўлмас.
Сир сўзини нодон, жохил кабул килмас,
Бўлса махал окил кабул килмадиму?

Хакикатлик эр сўзини нодон билмас,
Килу колдин сўз сўзласа, мажоз эмас.
Янча чобсанг, килич бўлса, тошка ўтмас,
Лойга чобсанг, килич анга ўтмадиму?

Берса илиг, тутса этак, сўзга етор,
Юз минг анинг халовати бекор ўтор.
Пирни суйгон дунё молин тошлаб кетор,
Охиратлиг дунё тошлаб кетмадиму?

Етгоймукин тириклигим ёзу кузга,
Келгой хазон ели янглиг ажал бизга.
Жонимизни танзимиздин ойрур ўзга,
Ким ул жонни ойриб тандин кетмадиму?

Тавба билан тириклигин килса бу кул,
Килса тоат, этса тавба доим бу кул,
Нафсу хаво бу шайтонга бермаса йўл,
Тавба йўлин яхши куллар тутмадиму?

Кул Хожа Ахмад, тавба курин боглагил сан,
Нафсу хаво душманларни кувлагил сан.
Сан, Тангрини хос кулидек йиглагил сан,
Йиглагон кул Хак дийдорин кўрмадиму?

40

Аё дўстлар, умрум тонги отор бўлди,
Эмди излаб, ё Раб, сани топарманму?
Жоним тандин ойрилибон ётор бўлди,
Эмди излаб, ё Раб, сани топарманму?

Бешдин ўнга кирдим эрса ёшман дедим,
Йигирмада тахт устида султон бўлдум.
Ўттуз ёшни олиб қўлга ўтру турдум,
Эмди излаб, ё Раб, сани топарманму?

Киркка кириб, канот кокиб койрилмадим,
Гунох(лар)им тўлди-тошди, ойрилмадим.
Исён килиб ўлоримни ман билмадим,
Эмди излаб, ё Раб, сани топарманму?

Эллик ёшаб ёшим манинг бўлди тамом,

Ганиматдур, билсанг, ани хар хосу ом.
Мўъмин кулнинг кулокига будур калом,
Эмди излаб, ё Раб, сани топарманму?

Олтмиш учдур пайгамбарнинг ёшин билсанг,
Фарзу суннат буйругини адо килсанг.
Казо етса, охиратка сафар килсанг,
Эмди излаб, ё Раб, сани топарманму?

Кул Хожа Ахмад, кўйгил эмди дунё фикрин,
Жахд айлагил, тинмай ойгил Хакни зикрин.
Хозир бўлуб ўлорингни эмди билгин,
Эмди излаб, ё Раб, сани топарманму?

41

Билдим эмди хазратинга кўб ёзмишман,
Камуг дўст-ла бу йўл ичра (кўб) озмишман.
Куловузсиз каронгуга йўл озмишман,
Кўнглум тонги отиб, кўруб кўбмайинму?

Кўнгул тонги отти эрса, курди бозор,
Тафаккурни дарёсига кириб сўзлор,
Шавк шаробин ичсам деюб кўнглум сезор,
Сир шаробин куё берди, кўймайинму?

Камуг, дўстлар, кечти, кўрунг, келди сазо,
Юрумишман телбалардек йўлдин озо.
Сир шаробин ичтим эрса берди мазо.
Охиратни асбобини курмайинму?

Охиратни асбобини курди ёрон,
Хак расулни суннатини тутти ёрон.
Кани аввал сиздин бурун ўтгон карвон,
Ман аларни изин излаб, етмайинму?

Во дариго, кечти умрум гафлат бирлан,
Савол сўрса, жавоби йўк хужжат бирлан.
Бермагойсиз ўтру келса, мехнат бирлан,
Эмди музлаб, кордек эриб, окмайинму?

Во дариго, кечти умрум, колди боко,
Йигитлигим елдек ўтти, сувдек око.
Мискинликни макомида йиртиб яко,
Тутуб тавба ўти бирлан куймайинму?

Кул Хожа Ахмад етти ишкни бисотина,
Иншааллох, Хак еткургой нийятина.

Ишондим ман Хак каломи оятина,
Бўлдим рафик, ўтгулардин ўтмайинму?
42

Хак расули ўлмас бурун ўлунг деди,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?
"Муту кабла ан тамуту" бўлунг деди,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?

Аё дўстлар, дийдор учун адо бўлдум,
Бу дунёда меҳнат тортиб гадо бўлдум,
Фано бўлуб хонумондин жудо бўлдум,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?

Мухаббатнинг дарёсида чўмуб ботиб,
Гаввос каби ул дарёдин гухар топиб,
Жоним бериб шавк шаробин тўё ичиб,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?

Аввал-охир хўблар кетти, колдим ялгуз,
Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз,
Дилим йўктур, тилим йўктур, кулок хам кўз,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?

Анбиёлар ўлмай туруб тирик ўлди,
Бу дунёда жафо тортиб нурга ботти,
Кофирлардин кўб маломат, жафо тортти,
Ўлмас бурун дийдор учун ўлмайинму?

Авлиёлар бу оламда гадо бўлди,
Кечиб ахлу иёлидин, сиво бўлди,
Жондин кечиб дийдор учун, фано бўлди,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?

Мухаббатнинг бозорида савдо килсам,
«Факру фахри» маломатин анда тортсам,
Икки олам савдосини кўздин солсам,
Ўлмас бурун дийдор учун ўлмайинму?

Кул Хожа Ахмад
"Муту кабла ан тамуту" ўкуб эриб,
Хак Мустафо хадисини маҳкам тутуб,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?
43

Деди олим Куръон ўшал Тангри сўзи,
Кул кўнглига солди назар Хак кундузи.
Ул макомни хар дам кўрар кўнгул кўзи,

Кўзум кўрди, кўнглим икрор килмайинму?

Пир келгон сўнг ўн саккиз минг олам мукирр,
Етти кат ер, етти кат кўк тасбех ўкур.
Заиф кулман, ўзум мунглуг, мискин, факир,
Бўлдум охир, дунё орка солмайинму?

Заиф ўзум ёнаркудек кудрат била,
Мажоз ўзум кушдек учар химмат била.
Кечти умрум, келди, кўрунг, навбат била,
Дўстларимга сўзум ёдгор кўймайинму?

Ойтадурман Изим Аллох ёди бирлан,
Ичим-ташим нурга ёрур ёди бирлан.
Эхсон килди Аллох кундуз фазли бирлан,
Ташим гухар харидорга сотмайинму?

Заиф ўзум Изим Хакни каломина,
Кўз очибон бокма дунё харомина.
Кекурдилар майи ишкинг ўтогина,
Кириб анда хазор достон ойтмайинму?

На берурлар охиратда куруг сўзга,
Килмиш феълинг уйрулмасун ёрдин ўзга.
Узок сафар келиб турур эмди бизга,
Кейин колдим ул карвонга етмайинму?

Хулклик килиб йиглагунча куйсанг керак,
Эгри бўлуб юругунча ўлсанг керак.
Кул Хожа Ахмад, тавба бирла ўлсанг керак,
Асал янглиг ул дам захрин тотмайинму?

44

Субхон Изим хос ишкини килди инъом,
Ошик бўлуб пок ишкида куймайинму?
Ўздин ўзга талабларни килди харом,
Банда бўлсам ялгуз ўзин суймайинму?

Каю банда ялгуз суйса подшоҳ килай,
Ўн саккиз минг олам ичра ифшо килай,
Халойиклар тожи, сарой иншо килай,
Бу сўз эшитиб онга жоним бермайинму?

Хак таоло ошикларга берди хилъат,
Жон берорда ёғиб ўтти оби раҳмат,
Ошикларни хар мўйида минг хосият,
Мехнат тортиб хосиятлар кўрмайинму?

Аллох айди: "Рахматимдин ишк яраттим",
Онинг учун ошикларни кўб йиглаттим,
Дарду бало, меҳнатларга бел боглаттим,
Белим боглаб ишк йўлида ўлмайинму?

Ошикларга ваъда килди дийдорини,
Ўзи билур дийдор учун беморини,
Тунлар котиб кўб йиглагон бедорини,
Бедор бўлуб Хакка куллуқ килмайинму?

Дунё талаб харисларни бандам демас,
Рўзи махшар йўлдин озса йўлга солмас,
Сувсаб, чанкаб дод айласа, кўлин олмас,
Дунё тебиб охиратни суймайинму?

Хожам айди: «Чин бандага берой улуш,
Шарти улдур манга сори килса юруш,
Нафсдин кечиб шайтон билан килса уруш...
Нафсдин кечиб риёзатда сўлмайинму?

Рахматимдин умид тутсанг, сахар тургил,
Кеча ётмай, кундуз йиглаб Хакни тобкил,
Ондин сўнгра ариг бўлуб нафсни тебгил...
Нафсни тебиб Хакка куллуқ килмайинму?

Сирот кечмай банда бўлсанг, ках-ках кулма,
Жаннат кирмай бу дунёда хуррам юрма,
Дийдор кўрмай йигламакни зинхор кўйма»,
Мунда йиглаб охиратда кулмайинму?

Эссиз умрум Хакка ёнмай бежо кетти,
Мухаббатнинг жомин ичмай вақтим етти,
Кимга ойтиб, кимга йиглай, бошим котти,
Надоматда сочу сокол юлмайинму?

Осий, жофий кулунг ичра ман гунахкор,
Гунохимни афу айласанг, ўзунг Гаффор!
Рахмат билан айбим ёбсанг, отинг Саттор,
Умид тутуб даргохинга келмайинму?

Хак таоло рахмат бирлан манга бокти,
Рахмат суйи кўзларимдин тинмай окти,
Ошикларга ишк чакмокин ёкиб чокти,
Ишкин ўкуб халойикга ёймайинму?

Куллуқ ичра одат килай килсанг кабул,

Йўқлук ичра адо бўлсам мисли расул,
Бу оламда ҳеч ким йўқтур мандек малул,
Гариб бўлуб остонангда ўлмайинму?

Лутфу карам эхсон килди, билолмадим,
Шокир бўлуб анинг шукрин килолмадим,
Парвонадек минг тасаддук бўлолмадим,
Парвонадек куюб ахгар бўлмайинму?

Тун сахарлар бедор килди йигласун деб,
Ёшин тўкуб ишкка белин боғласун деб,
Ўртаб-куюб юрак багрин доғласун деб,
Догин олиб Хак қошига бормайинму?

Ваҳдоният дарёсидин хабар берди,
Аллоҳ ўзи Ходий бўлуб йўлга солди,
Дўзах ичра қолмасун деб қўлум олди,
Жону дилим ондоғ Хакка бермайинму?

Аллоҳ айди: "Жонни бердим тоат қилгил,
Юз минг бало санга солсам тоқат қилгил",
Мани излаб йигламақни одат қилгил,
Балосига собир бўлуб юрмайинму?

Хак таоло салом айди қуйгонларга,
Қонлар тўкуб икки қўзин ўйгонларга,
Жонни жонга пайванд қилиб юргонларга,
Ханжар олиб қўзларимни ўймайинму?

Хак партави қимга тушса, доно қилур,
Қўнгли ёруб ботинларин бино қилур.
Маърифатни ойтиб ўзин гўё қилур,
Гўё бўлуб Хак йўлларин оймайинму?

Салом айди дўстларига Хак меҳрибон,
"Мунда йигланг, охиратда қилай хандон".
Хак йўлида ошиқларни жони қурбон,
Бу сўз эштиб юз минг жоним бермайинму?

Ман дафтари соний ойдим дардга дармон,
Биру борим бандам деса қолмас армон.
Харна қилса, Ўзи қилур, Хакдин фармон,
Фармонида ҳозир бўлуб юрмайинму?!

Қул Хожа Ахмад, бу дунёда беғам ўтдунг,
Хакдин қўрқмай тонг отқунча қўпуб ётдинг.

Дунё тилаб Хак зикрини тошлаб отдинг,
«Атубу илайка» ўқуй-ўқуй ўлмаинму?!

45

Ўлум элчиси келди, ярогинг нега килмассан?
Сокол-сочинг окоруб, ярогинг нега килмассан?

Танингда колмади кувват, вужудинг борчаси захмат,
Алардин олмайин ибрат, ярогинг нега килмассан?

Ўлумни элчиси келди, санго эмди хабар берди,
Санго на бўлди, келиб ярогинг нега килмассан?

Камуг ёронларинг кетти, кўрсатти бўйини тутти,
Келиб ер кўйнида ётти, ярогинг нега килмассан?

Бу дунёни нега суйдунг, галат килдинг, хато килдинг,
Кани укбога на килдинг, ярогинг нега килмассан?

Бу тандин жонинг олмокка, малак келди ойирмокка,
Сани кўймас дам урмокка, ярогинг нега килмассан?

Кул Хожа Ахмад, на иш килдинг, ўзунг асрагу килдинг,
Бу дунё жирканиб йигдинг, ярогинг нега килмассан?

46

Шаки йўктур, киёмат кун келур, дўстлар,
"Ла уксиму би явм ил-киямах" деб ойтмадиму?
Ўзин бокий, ўзгаларни фоний билинг,
"Куллу шайъин халикун" деб ойтмадиму?

Жумла жонлар ер кўйнига охир киргой,
Мангу, бокий Угон Изим ўзи колгой.
Замона охир бўлса, кўк ёрилгой,
"Изас-самаъун шаккат" деб ойтмадиму?

Киёматнинг аломати бисёр кечгой,
Каломуллох маъно кетиб, хати ўчгой.
Булут кукраб, ер теброниб, тоғлар кўчгой,
"Явма таржуфур-рожифах" деб ойтмадиму?

Аллох билур кимга рохат, кимга азоб,
Угон Изим кози бўлуб сўргой хисоб.
Во хасрато, банда нечук бергой жавоб,
"Явма якум ул-хисаб" деб ойтмадиму?

Кул Хожа Ахмад ойтур тун-кун, ё Раб, сани,
Зор йиглагил ишкинг билан туни-куни.

Топар банда юрса доим истаб сани,
"Фатлубни тажидни" деб ойтмадиму?

47

Дунё суймак хатоларни боши турур,
Ул Мустафо бизни огох килмадиму!?
«Ал-факру фахри» тею Тангри расул(и),
Угонидин дарвишликни олмадиму?..

Кўймади Мустафодек неча ёрон,
Абу Бакр, Умар, Али, билгил, Усмон.
Тахти бирла учор эрди ул Сулаймон,
Бу ўлум чангалига олмадиму?

Умар эрди дини ислом йўлин очгон,
Али эрди кофирларнинг бўйнин чобкон.
Шерон илги бирлан (Хайбар) бобин очкон,
Ул хам ажал шаробидин тотмадиму?

«Фатубу илаллох»га бўюнсунгил,
Маъсиятга бокмагил, кўзинг юмгил.
Насухдек олам ичра отинг кўйгил,
Тилаклик кул тилагини олмадиму?

«Аласту бираббикум» демиш вақтда,
Аҳд килиб «колу бало» дедим Хакка.
Агар сен тонар бўлсанг ал-мийсока,
Ўрнунг санинг жаханнамда бўлмадиму?

Угоним фосикларга урди масал,
«Улаика кал анъом балхум азалл».
Тўрт аёглик чорполардек юрур алар,
Телим эрлар андин ибрат олмадиму?

Олам фахри Кабутарга масжид дегон,
Мухаммаднинг хазратидин бол тилагон.
Ушру закот бергил деса хўб кўрмагон,
Дунё учун динин елга сотмадиму?

Сигмас Корун мол(и) анинг ёбон ёзи,
Олам ичра машхур турур анинг сўзи.
Дунё молин йигиб олса тўймас кўзи,
Бир овуч туфрок бирла тўймадиму?

Эр ул бўлур ўлмас бурун молин берса,
Корун турур ўшал киши гофил турса.

Ялгузгина шумлугидин ўшал Исо,
Тўрту(ла)нчи кўкда ялгуз колмадиму?

Кул Хожа Ахмад, бедор бўлгил тоат килиб,
Телим ёзук ишларингдин ибрат олиб.
Ишонмагил йигитликка фасод килиб,
Телим очилиб койтиб яна суймадиму?

48

Аё дўстлар, кетмак учун мунда келдук,
Келиб кетмак боисини билдингизму?
Асли ватан улдур, мунда мусофирсан,
Савдо учун келиб савдо килдингизму?

Карвонбоши хабар берди кулли жонга,
Савдо кил деб буюрдилар хар каёнга,
Савдосини килди зиён кўб нодонга,
Суду зиён килгонини билдингизму?

Окил куллар савдосини килдилар тахт,
Савдосини килгон куллар бўлур некбахт.
Бозорини килиб боғлар юкларин сахт
Тайёр бўлди, сиз хам тайёр бўлдунгизму?

Сардори карвонбоши килса хабар,
Савдо килгон, озук олгон килур сафар,
Юк тонгуглиг шоду хандон (йўлга тушар),
Жахду жадал килиб юкни тонгдунгизму?

Баъзи нодон кирди бозор олди дўкон,
Хамрох бўлди ул нодонга анда шайтон,
То куруглиг ўлтурдилар шоду хандон,
Ўшал дўкон дунё эрур, билдингизму?

Савдо килой деса шайтон кўймас, билгил,
Ойтур анга кўйгил бугун, тонгла килгил.
Умрунг узок, дам ганимат, ишрат килгил,
Ойтур анга, ишрат килиб тўйдунгизму?

Бу сўз бирла накди умрин кўлдин бергой,
Умрунг бўлди бу дўкондин чиккил дегой.
Во дариг деб кўлин тишлаб афсус егой,
Савдо учун эмди афсус едингизму?

Бу холатда амир карвон келгой етиб,
Юругил деб асл ватан хукмин ойтиб.
Савдо килмай мунча ўтдунг нетак ётиб,

Озук олмай йўлга кириб елдингизму?

Кул Хожа Ахмад, савдо килгил бозор ўтмай,
Умрунг куни битмас, ажал куни етмай.
Ногахон(да) ажал келиб яконг тутмай,
Ажал келур вактин, дўстлар, билдингизму?

49

Аё шайхо, толибларга йўлни кўргуз,
Шариатнинг баёнини килмасмусан?
Тарикатда куловузсиз йўлга кирса,
Хакикатнинг йўлларини ойтмасмусан?

Шайхман тею улуг тутдинг ўзинг доим,
Кўнглунг кибру манлик билан, тилинг соим.
Нафсинг учун узун тунлар туруб коим,
Ўқуб Куръон ҳеч ўзунгга келмасмусан?

Шайхман тею золимларга хизмат килдинг,
Мулозамат пеша айлаб иззат килдинг.
Неъмат берса жонинг бирла хурмат килдинг,
Жохил бўлуб золим сифат бўлмасмусан?

Маъни Куръон туз билмадинг хаво бирлан,
Тоат килдинг халк ичинда риё бирлан,
Зангор босгон кўнгул йўқтур зиё бирлан,
Маъно ўқуб риё курин солмасмусан?

Факир бўлуб маломатни тўша килгон,
Дунё солур охиратни пеша килгон.
Дил айвонин хилват килиб гўша килгон,
Ондог эрнинг хизматида бўлмасмусан?

Кул Хожа Ахмад, кимга айдинг ушбу сўзни,
Хўб билурсан, ҳеч билмассан рохи тузни.
Билур қариб йўл билгучи куловузни,
Гарди пойин каро юзга суртмасмусан?

50

Умрунг ўтти, аё гофил, зоеъ мунда,
Гафлат кўзин очиб бедор бўлмасмусан?
Ётур еринг тор лахаддур ялгуз гўрда,
Ўлмас бурун фикрин мунда килмасмусан?

Ажаб йўлдур борур еринг, хатар бисёр,
Карокчилар доим анда турур тайёр,

Химмат килиб бу дунёдин айлаб гузор,
Охиратнинг ярогини килмасмусан?

Юрдунг доим шоду хуррам, сурур бирлан,
Магрур бўлдунг хою хавас, гурур бирлан,
Единг шубха-харомларни макрух бирлан,
Дўзах ичра жазосини тортмасмусан?

Мўъмин дегон бўлур доим тафаккурда,
Фикр айлаб зикрин айтур узок тунда,
Бўлмас манлик бир заррае вужудинда,
Ондог эрни этогини тутмасмусан?

Аро йўлда пайдо бўлур икки манзил,
Ондог кулга килгил мунда жонинг сабил,
Солгой сани яхши йўлга ёри кобил,
Хизмат килиб жаннат мулкин олмасмусан?

Жон олгони бир кун келур малакул-мавт.
Ўлмас бурун ўлум бирла бўлгил улфат,
Узок йўлга озук олгил – торт риёзат,
Иззат рахтин сотиб, хорлик олмасмусан?

Ошик бўлсанг, маломатдин килгил ватан,
Гам тигидин захм айласун мулки бадан,
Хам очилсун ботинингда турлук чаман,
Жондин кечиб дийдорини кўрмасмусан?

Рохат топар меҳнат сори кадам кўйгон,
Зоеъ кўймас хизмат килсанг пири мугон,
Хизмат килмай даъво килсанг бари ялгон,
Кул Хожа Ахмад, пир олдида ўлмасмусан?

51

Аё дўстлар, бу йўллардур коронгулук,
Шайтон йўлин ўздин йирок солмасмусан?
Банд этибон шайтон сани гумрох килур,
Хак қошида юзи каро бўлмасмусан?

Тамаъ килма хожаман деб эшикларда,
Акл йўктур ихлос килгон кишиларда.
Шарму хаё кетти улуг-кичикларда,
Охир замон нишонасин билмасмусан?

Шайхман тею маърифатни килди баён,
Зохир-ботин, аввал-охир килса аён.

Шункор янглиг рухи анинг килса тайрон,
Мундог бўлуб мурид йўлга солмасмусан.

Туни-куни тоат килди Саййид аброр,
Емай-ичмай ёшлигида яхши кирдор.
Уммат учун кайгу бирла бўлди бедор,
Расулulloх табъиятин билмасмусан.

Тонг откунча икки аёк тамом шишти,
Ото-оно, Иброхимдин таки кечти.
Тилаб уммат кайгу бирлан акли шошти,
Аё шайхо, кўруб ибрат олмасмусан?

Кул Хожа Ахмад, бу йўлларни осон билма,
Хак раҳмати бисёр етиб мағрур бўлма.
Хавфу ражо ичра тургил, кўнгул кўйма,
Кахр ичинда лутфин англаб юрмасмусан.

52

На мухаббат эрмиш, ман ўторимни билмасман,
Шайдо килди ишк мани, койда боргум билмасман.

Куёр бағрим тошлари, окор кўзум ёшлари,
Аё Хакнинг дўстлари, койда боргум билмасман.

Ўт на бўлур ёлинсиз, сув на бўлур жилосиз,
Мани дардим давосиз, излаб дору тобмасман.

Дардим билар табиб йўк, холим сўрор рафик йўк,
Мандек мунглог гариб йўк, мунгу зорим оймаман.

Ўтларни сув ўчирур, бу ўт сувни куйдурур,
Ўтлар ўти бу эрур, ялгон тею оймаман.

Ким киш кияр, ким чопон, ким подшоҳдур, ким чўпон,
Ким туз юрур, ким ямон, муни асло билмасман.

Кул Хожа Ахмад, хакирман, ёзукумни ўкурман,
Дўстум гухар, факирман, факирликдин тонмасман.

53

Ё илохим, ишкинг солиб ошик этгил,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.
Ошик бўлсанг, аё толиб, меҳнат тортгил,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Меҳнат тортгон ошиклардин Худо рози,

Ошикларни Аршга етгой, бил, овози.
Ул ошикдин Аллох ўзи бўлди рози,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Аё толиб, ошик бўлсанг, бўзлаб юргил,
Даргохига етгунг охир излаб юргил.
Сан сиррингни нодонлардин асраб юргил,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Ошикларни кўзларидин кони окар,
Кўзни конин кўруб анда маъшук бокар.
Маъшук ўзи ошикларга ўтлар ёкар,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Аллох суйгон ошиклари инграб юрар,
Орифларни сухбатига ўзин урар.
Мехнат тобса ошиклари жавлон килар,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Ошикларни маъшук ўзи чорлагуси,
Койдасан деб, койдасан деб ингрангуси.
Аллох дардин тортиб ошик бўзлагуси,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Аллох суйгон ошик тонгла бурок минар,
Бурок миниб махшаргоҳда жавлон килар.
Хуру кусур кўзламаслар, дийдор тилар,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Махшаргоҳда ошикларни бўйнида гул,
Гул токилгон ошик иши Хакка макбул.
Ул ошикка Аллох ўзи кўрсатур йўл,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Малойиклар занжир такиб олиб юргой,
Ул ошикни ахволини Аллох сўргой.
Аллохимга ошиклиги макбул бўлгой,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Мехнат тортгон ошикларни Аллох суйди,
«Кел бери» деб ул ошикка шароб берди.
Шароб ичгон ошикларни Аллох суйди,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.

Кул Хожа Ахмад, ошикларга ўзунгни кот,
Кеча-кундуз мехнат килиб аламлар торт.

Орифларни бозорида ўзунгни сот,
Тонгла махшар ошикларни Аллох чорлар.
54

Ошикларга Тангрим ўзи килгой рахмат,
Кабр ичра партав солиб килгой шафкат.
Жаннат кириб, дийдор кўруб, айшу рохат,
Лутфу карам ато килиб юрур бўлгой.

Ошиклари койда борса хилват истар,
Эрга хожат эрмас яхши болин бистар.
Хакни топмай йиглаб юруб бўлуб музтар,
Ишк богида наво килиб юрур бўлгой.

Ошик куёр, жондин тўёр, Хакни севор,
Аллох учун дунё, укбо талок кўёр.
Багрин тешиб, бошдин аёк конга бўёр,
Ошик ўзи якто бўлуб юрур бўлгой.

Эй ёронлар, ишк элини сомони йўк,
Даво сўрманг, ишк дардини дармони йўк.
Бу йўлларда ошик ўлса, товони йўк,
Жонин тандин жудо килиб юрур бўлгой.

Жони жудо ўтда куйгой тани ўзга,
Кимни кўрса, изин олиб суртор кўзга.
Хикмат ўкуб, толиб бўлуб, етса сўзга,
Аклу хушин доно килиб юрур бўлгой.

Булхавасни тани куйса, жони куймас,
Ани учун ишк кадрига етиб бўлмас.
Яхшиларни сухбатидин бахра олмас,
Ризки дуо риё килиб юрур бўлгой.

Бу оламдин сиво килгон Аллох ўзи,
Эй умматлар, Хак Мустафо ойгон сўзи.
Рўзи махшар равшан бўлгой халкга юзи,
Дилларини сафо килиб юрур бўлгой.

Чин ошиклар тирик ўлгон жони бежо,
Парвоз килиб учай деса сахлар Худо.
Ичмиш-емиш, талаблари дарду бало,
Ишкин бошка бало килиб юрур бўлгой.

Кул Хожа Ахмад, дарвиш бўлсанг, бедор бўлгил,
Жавру жафо, дарду мехнат, гам истагил.
Юз минг бало бошга тушса, ингронмагил,

Аллох ўзи жафо килиб юрур бўлгой.

55

Хакни тобгон девоналар беҳуш сўзлар,
Дарду холат пайдо килиб юрур бўлгой.
Макомлари баланд маком, Аршни кўзлар,
Халкка ўзин расво килиб юрур бўлгой.

Элдин кочиб тогу чўлни килгой ватан,
Чўллар аро хамрохлари зогу заган.
Кетор бўлса чурук энги анга кафан,
Туйур вахший хамрох килиб юрур бўлгой.

Мундог бўлмай жон маъшукин таниб бўлмас,
Бу йўлларни укбаси кўб, ошиб бўлмас.
Жондин кечмай вахдат майдин тотиб бўлмас,
Май нўш этиб, самоъ килиб юрур бўлгой.

Жононани тобгон киши ўзи билмас,
Оми халки толиб бўлса, кочиб келмас.
Юз минг носих бўлса, андин пандин олмас,
Элга ўзин гумрох килиб юрур бўлгой.

Юз минг ошик куйса-ёнса бўлур хуррам,
Хак ёдини хар ким ойтса бўлур хамдам.
Рўзи махшар дийдорига бўлур махрам,
Жони имон фидо килиб юрур бўлгой.

Аллох учун жонин бергон зоеъ колмас,
Икки олам анга бўстон харгиз бўлмас.
Чин ошикни сирри нихон халк билолмас,
Кўз ёшини гувоҳ килиб борур бўлгой.

Ошик ўлмас, қурби сўлмас, ишки жавон,
Халк ичида огзи хандон куяр пинхон.
Чўллар кезиб бўзлаб юрур Хак ломакон,
Хак ишкини сано килиб юрур бўлгой.

Ишк богини кезгон ошик ўзин билмас,
Кеча-кундуз масту хайрон ўзга келмас.
Гўша истар халойикка улфат бўлмас,
Хак васлини фано килиб юрур бўлгой.

Чин дардликларни дардлик кўзга илмас,
Зоҳид, обид, соликларни тилга олмас.
Кайда кўрса ишксизларни назар килмас,
Чин дардликка даво килиб юрур бўлгой.

Ошикларни билгонларин халк билолмас,
Хуру гилмон жумла малак хайл келолмас .
«Сакохум раббухум»ни орзу килмас,
Дийдорига вафо килиб юрур бўлгой.

Хуру кусур ан-тахурдин олиб келгой,
Ризвон малак кадах сунуб, таъзим килгой.
Ошиклари кўзи юмуб бехуш бўлгой,
«Вошуко!», деб кир ичинда юрур бўлгой.

Хак томоша килиб, анга рахмат килгой,
Нур ичинда партав солиб, шафкат килгой.
Етмиш фарик малоикни улфат килгой,
Лутфи карам ато килиб юрур бўлгой.

56

Одам ўгли ўлгуси, ер остига киргуси,
Ким яхшидур ким ямон, анда маълум бўлгуси.

Мунда ўзин билгонлар, Хакка куллуқ килгонлар,
Хак йўлига киргонлар, ёруғ юзлуқ бўлгуси.

Манман, кулман дегонлар, ер юзига келгонлар,
Харом-хариш егонлар бир-бир жавоб бергуси.

Мунда ўзин билмагон, насихатни олмагон,
Беш вақт намоз килмагон, анда расво бўлгуси.

Агар оқил бўлсангиз, насихатни олсангиз,
Беш вақт намоз килсангиз, анда фойда бўлгуси.

Куллуғ килгил кулига , киргил Хакни йўлига,
Ёрликогон кулига, хурлар коршу келгуси.

Хакдин фармон бўлгонда, Азроил жон олгонда,
Сўруг-савол килгонда, анда хайрон колгуси.

Хайрон бўлмас ул киши, окса кўзини ёши,
Хак билан бўлса иши, жавоб осон бўлгуси.

Тоат килгил кишу ёз, Кул Хожа Ахмад, бўл гудоз,
Юзи каро бенамоз, анда расво бўлгуси.

57

Шариатнинг шароитин тарк этмайин,
Тарикатнинг ишларини адо килсун.
Тарикатда пархез килиб такво килгон,
Кўруб, билиб, халолдин жудо килсун.

Хакикатнинг дарёсидин гухар олгон,
Маърифатнинг майдонида жавлон килгон.
Куюб-пишиб ич багрини ўтка солгон,
Ондог ошик алиф каддин дуто килсун.

Киёматнинг шиддатидин мотам курсанг,
Нав толибдек халка ичра ўзунг урсанг.
Киёматнинг шиддатидин наъра тортсанг,
Махшаргоҳда кўз ёшини гувоҳ килсун.

Ушбу йўлга киргон ошик жондин кечар,
Жондин кечиб шавк шаробин тўё ичор.
Рихлат килса чурук эгнин кафан бичар,
Фарёд уруб эшикларда садо килсун.

Киёматнинг шиддатидини билмаганлар,
Гариб, факир кўрса кўзга илмаганлар.
Амри маъруф, нахй мункар килмагонлар,
Хос бўзурлар сани на деб дуо килсун?!

Хак зикрини ойгонларни душман туткон,
Манлик килиб яхшиларни босиб ўтгон.
Халол-харом фаркин килмай олиб юткон,
Ул фосикни дилин на деб сафо килсун.

Такаббур манлик билан хаво килгон,
Халк ичинда харна килса риё килгон.
Кеча-кундуз дунё учун савдо килгон,
Ул бандани охиратда гадо килсун.

Халк ичинда тасбех кўлга олиб юргон,
Шайхмен тею нодонларга ваъзин ойгон.
Назрин олиб келгойму деб караб тургон,
Пир ул турур зохир, ботин сафо килсун.

Кеча-кундуз Хакдин кўркуб тургон киши,
Ўзин билур ўзга билан йўктур иши.
Ондин сўнгра нурга тўлур ичу таши,
Хакдин кўркуб кўзда ёшин равон килсун.

Кулман тею Хак амрини килмагонлар,
Насихатни кулокига олмагонлар.
Суду зиён бўлгонини билмагонлар,
Ул фосиклар Хакка на деб вафо килсун.

Хикмат эштиб, йигламагон одам эмас,

Кўнгли каттиг, кўзи анинг намлиг эмас.
Бешак билинг, дини анинг махкам эмас,
Кон йиглагил, кўзинг ёши даво килсун.

Аё гофил, нодон билан улфат бўлма,
Нодонларни сухбатига ўзунг урма.
Хак кахридин кўркуб йигла харгиз кулма,
Кул Хожа Ахмад ошиқлардек наво килсун.

58

Хак таоло тавфик берса химмат килиб,
Сахарларда тинмай ёдин айгум келур.
Жунбуш килиб аъзоларим дард айласа,
Тавба килиб хазратига ёнгум келур.

Толиб бўлуб, ихлос килиб йўлга кирсам,
Бедор бўлуб, Хак дийдорин тўё кўрсам,
Парвонадек шамъин кўруб ўзум урсам,
Йўк эрса тирикликни откум келур.

Ошиқларни давосидур Хакни ёди,
Зокирларни муродидур Хак дийдори,
Кеча-кундуз йиглаб килур Хакка доди,
Чин дардликдин дарду меҳнат торткум келур.

Тарикатга киргон ошиқ Хакни излар,
На сўзласа хол илмини сўзин сўзлар,
Сахарларда ёдин айтиб Аршни кўзлар,
Боязиддек бир кун ўзум соткум келур.

Хакикатни дарёсига чўмгон ошиқ,
Ул дарёдин гуҳар олиб чиккон ошиқ,
Гуҳар олгон даргоҳига бўлур лойик,
Лойик булуб гуҳар олиб чиккум келур.

Фано бўлуб бу дунёдин йиглаб ўтсам,
Хак шаробин ичорман деб ташна кетсам,
Шиблий янглиг ошиқ бўлуб, самоъ килсам,
Мундог бўлуб шавк шаробин ичгум келур.

Кул Хожа Ахмад, ошиқлардек жондин кечгил,
Жондин кечиш шавк шаробин тўё ичгил,
Толибларга хикмат айтиб, дурлар сочкил,
Пири мугон этогини туткум келур.

59

Аё дўстлар, таваккулни киличини,
Белга боглаб йўлга кадам кўйгум келур.

«Ла такнату» рахматидин умид тутуб,
Маваддатнинг гулзоринда елгум келур.

Ошиклари жавлон килор ул майдонда,
Илон камчи килиб минок ул арслонга,
Сир сўзини ойтиб бўлмас хар нодонга,
Сир сўзини доноларга ойгум келур.

Ориф бўлуб ошик бўлса доно кетор,
Ондог ошик дийдор учун жонин берор.
Ондог кулга тонгми отор, кунми ботор,
Туни-куни тинмай зори килгум келур.

Нишонаси улдур, ани ранги сориг,
Ондог киши бу дунёдин бўлур фориг.
Мосиводин йигиб, ўзни кўнгли ёриг,
Маърифатлар анга рахтин соткум келур.

Аё дўстлар, тарикатда бозор кўрдум,
Рахтим тобиб ул бозорда дўкон курдум.
Гофил кўнглум, ўзум анда бедор бўлдум,
Рўзи берса, тун-кун савдо килгум келур.

Ошиклари Ўзи бирла бозор килур,
Жохил куллар мўъмин кўнглин озор килур.
Гофиллардин Худо, расул безор бўлур,
Хозир бўлуб, Хак зикрини ойгум келур.

Сидк бирлан гофил харгиз тавба килмас,
Эссиз умрин гофил кечрур харгиз тўймас.
Фоний умрунг минг ишонсанг бокий бўлмас,
Тавба тею тавба тўнин кийгум келур.

Кул Хожа Ахмад, кечти умрунг, гофил турма,
Нафсинг сўзин килибон анга юрма.
Жаҳд этиб тун-кун зинхор жохил юрма,
Хозир бўлуб, Хакка куллуқ килгум келур.

60

«Ё Ахмаду, абди» дегон Субхон Изим,
Бордур ани шарбатлари сонсиз телим.
Ошик куллар ичсун деди ани Мавлим,
Ошик бўлуб ул шарбатдин ичгум келур.

Кеча-кундуз ушбу жондин ошик бўлмас,
Ошикларни кўзда ёши харгиз тинмас.
Жон аяса яхши йўлга кирса бўлмас,

Жондин кечиб жононага боргум келур.

Химмат курин мардонлардек белга боглаб,
Мансур сифат жондин кечиб дорда ўйнаб.
Ошиклар(дек) сухбат ичра конлар йиглаб,
Субхон Изим даргохига боргум келур.

Колдин кечмай хол тилини билса бўлмас,
Мухаббатни шаробидин ичса бўлмас.
Маърифатни бозорига кирса бўлмас,
Колдин кечиб бўстон ичра киргум келур.

Ошик бўлмай вафо найни чолса бўлмас,
Хозир бўлмай Хак зикрини ойтса бўлмас.
Чангу рубоб созларини тузса бўлмас,
Созин тузуб хамду сано ойгум келур.

Садаф янглиг ишк ўрнида гухарларинг,
Мўъмин кулга якин турур рахматларинг,
Ошик кулга рохат турур захматларинг,
Мехнат тортиб, Хожам, санга боргум келур.

Ошиклари хар гўшада гавго килур,
Катра-катра кўз ёшини дарё килур,
Ул дарёда ишк гухари сонсиз турур,
Гаввос бўлуб ул гухардин олгум келур.

Кул Хожа Ахмад, узун тунлар уйгок бўлгил,
Жохиллардин доим йирок кочо кўргил,
Кўз ёшингни сориг юзга сочо кўргил,
Ёшим сочиб хамду сано ойгум келур.

61

Хак таоло хабиби, ё Мустафо Мухаммад,
Дардликларни табиби, ё Мустафо Мухаммад.

Изхор килди Одамга, Одамдин то Хотамга,
Нури тўлди оламга, ё Мустафо Мухаммад.

Махбуби пок сирдон, матлуби шохи мардон,
Махдуми кулли инсон, ё Мустафо Мухаммад.

Меърож йўлига ошкон, . . . дек улашкон,
Уммат учун талашкон, ё Мустафо Мухаммад.

Етим колди отодин хам меҳрибон онодин,

Такдир бўлди Худодин, ё Мустафо Мухаммад.

Етим бошин силади, тева бўлди Мухаммад,
Жонни жонга улади, ё Мустафо Мухаммад.

Етти ёшар ёш ўглон, дур кадрини билди,
Олти ёнгокка сотти, ё Мустафо Мухаммад.

Тева бўлди «аф» деди, умматини тилади,
Жаброил етиб келди, ё Мустафо Мухаммад.

Бу дунёни суймади, фарча нонга тўймади,
Хак куллугин кўймади, ё Мустафо Мухаммад.

Тиламади отосин хам меҳрибон оносин,
Килди уммат дуосин, ё Мустафо Мухаммад.

Тангри(си)га талабгор, кеча-кундуз йиглар зор,
Бўлди умматга мухтор, ё Мустафо Мухаммад.

Мухит дарёга тушти, Арши аъло(ни) ошти,
Мавлосига розлашти, ё Мустафо Мухаммад.

Шариатни сўзлади, тарикатни излади,
Хакикатни кўзлади, ё Мустафо Мухаммад.

Сабр айлади каноат, такво айлаб киловат.
Кеча-кундуз ибодат, ё Мустафо Мухаммад.

Ичиб кавсар суйини, узуб жаннат гулини,
Излаб ани йўлини, ё Мустафо Мухаммад.

Кул Хожа Ахмад, кил тоат, тинмай ойтгил саловот,
Расулulloх бўлгой шод, ё Мустафо Мухаммад.

62

Аё дўстлар, юрак бағрим бўлди кабоб,
Ишксиз одам ишк кадрини билгон борму?
Туни-куни гурбат тортиб ишк йўлида,
Бевосита Хак дийдорин кўргон борму?

Тошкин тургон дарёлардек кайнаб юргон,
Дунё молин кўруб, анга мағрур бўлгон.
Хою хавас, моуманлик даъво килгон,
Корун янглиг дунё молин кўргон борму?

Ишк шиддати бошка тушса ошик билар,
Бегоналар тошлар отиб анга кулар.
Девона деб бошин ёриб конга бўяр,
Мансур янглиг ишк дорига мингон борму?

Ошик Мансур "Аналхак" деб ёши окти,
Чилтан бирла хамрох бўлуб кабуг кокти.
Юрак багри кабоб бўлуб эриб окти.
Гор ичинда чилтанларни кўргон борму?

Шайх Шиблий самоъ килиб доим юрди,
Тахту бахтин ташлаб Адхам дўкон курди,
Парвонадек шамъин кўруб ўзин урди,
Парвонадек ахгар бўлуб куйгон борму?

Лайли тею сахроларда Мажнун ўтти,
Лайлини кўрган замон хуши кетти.
Хайрон бўлуб, сарсон бўлуб, боши котти,
Ўтган ошик эранларни кўргон борму?

Ширинни деб тоғлар казиб ошик Фарход,
Ширинни кўрган замон килди фарёд.
Аклу хушин тарож килиб берди барбод,
Ошик бўлуб ўлмаи туруб ўлгон борму?

Зуннун Мисрий ўз шаҳридин чикиб кетти,
Шайх Боязид етмиш йўли ўзин сотти.
Ўзин билмай вола бўлуб боши котти,
Ондог эрлар даъвосини килгон борму?

Иброхим ўз ўглини қурбон килди,
Исмоил дийдор тею жонин берди.
Кўзин очиб Хак жамолин хозир кўрди,
Исмоилдек Хак жамолин кўргон борму?

Кўб ошиклар бу дунёдин ўтуб кетти,
Гўрустон манзилига бориб етти.
Ахлу иёл, хонумонин тошлаб отти,
Ибрат олиб кизил юзи сўлгон борму?

Кул Хожа Ахмад, дардсиз ўтти умрунг, англа!
Хизмат килиб, эранларни сўзин тингла.
Надоматда ёшинг тўқуб, тинмай йигла,
Мунда йиглаб охиратда кулгон борму?

63

Бу гариблик душвор эрмиш, аё дўстлар,

Хеч ким келиб, гариб холин сўргон борму?
Туни-куни гурбат тортиб ишк йўлида,
Ичи куюб, хасрат бирла тўлгон борму?

Гурбат ичра кечор эрмиш гариб холи,
Хеч колмади кўнгул ичра килу коли.
Хар бир кунда ўлор эрмиш юз минг йўли,
Намозу шом, гариб холин сўргон борму?

Гариблигда юрдум ман айши нохушга,
Душвор эрмиш такя, ёстук анда бошга.
Мунглог бўлуб ото-оно кориндошга,
Рахим килиб, гариб холин сўргон борму?

Кориндошлар хасратинда бўлдум хароб,
Юрак-багрим куюб-ёниб бўлдум кабоб.
Гарибларга раҳм айласанг, кўбтур савоб,
Аё дўстлар, бу дардимга даво борму?

Давом ўртор кўринг, мани гурбат ўти,
Гариблигда топмадим ман халовати.
«Ман мота гарибан» деб хадис ойтти,
«Факод мота шахидан» деб ўлгон борму?

Гариблигда юрурдум ман гурбат тортиб,
Маломатлар бирла халкдин сўз эштиб.
Тенги тўшум кўнгул ёрутуб мажол тортиб,
Дийдор учун жонин фидо килгон борму?

Дийдор учун жонин фидо килди эрса,
Туни-куни Хак зикрини айди эрса,
Кул Хожа Ахмад, бу гурбатга тушти эрса,
Эшитинг, дўстлар, ўлмасликка имкон борму?

64

Ошикларнинг сўроги, содикларнинг яроги,
Анбиёлар чароги, хоксор бўлгон Мухаммад.

Ўзин солиб меҳнатга, турлук-турлук захматга,
Осий, жофий умматга, кавсар бўлгон Мухаммад.

Отодин етим колиб, ўзини гамга солиб,
Хадича молин олиб, чокар бўлгон Мухаммад.

Рози бўлгон казога, розин ойтгон Худога,
Кўкдин келгон балога, собир бўлгон Мухаммад.

Химмат курини боглаб, юрак багрини доглаб,
Сахар вақтида йиглаб, бедор бўлгон Мухаммад.

Хакни куллугин килиб, Хак амрини халкка ойтиб,
Кофир, жухудни кўркутуб, аждар бўлгон Мухаммад.

Анбиёлар хотами, сир-асрори махрами,
Мискинларни хамдами, ёдгор бўлгон Мухаммад.

Кундуз рўзаю намоз, кечаси ажзу ниёз,
Тилаб умматни киш-ёз, музтар бўлгон Мухаммад.

Шому сахар йиглар зор, уммат учун дилафкор,
Халки оламга ёдгор, яксар бўлгон Мухаммад.

Мискинларга ёр бўлгон, (уммат) тилаб зор бўлгон,
Болсизларга (бол) бўлгон, шахпар бўлгон Мухаммад.

Мунглог бўлгон музтарга, хозир бўлгон гумрохга,
Етим бўлгон гарибга, сарвар бўлгон Мухаммад.

Кул Хожа Ахмад мискиндур, мискинлардин маъно сўр,
Мискинлик кони хузур, басар бўлгон Мухаммад.

65

Тонг откунча гафлатдаман хайрон колгон,
Ё Мустафо! Илгим олинг йўлда колдим.
Во хасрато ичу ташим исён тўлгон,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Уммат бўлуб уммат ишин килолмадим,
Бедор бўлуб Хак йўлига киролмадим.
Ялгон уммат хизматида бўлолмадим,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Сахарларда жоним кийнаб, кон йигламай,
Аллох ойтуб, конлар ютуб, зор инграмай.
Елиб-югуруб, эранлардин сир онгламай,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Ё Мухаммад, ёмон кулни маҳрум кўйманг,
Осий, жофий умматларни йўлда кўйманг.
Рўзи махшар осийлардин юз ўгирманг,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Банда бўлсам, ялгуз Хакни суймасмудим?
Уммат бўлсам, йўлга кадам кўймасмудим?

Конлар тўқуб, кўзларимни ўймасмудим?
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Умнат дебон ҳеч ухламай ўтти расул,
Осий, жофий умнат учун бўлди малул.
Ҳақ таоло килгойму деб бизни кабул,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Киёматда термултургой умнат дегил,
Мағзи сиррим койнагонда қўлум олгил.
Ожиз кулунг йўл одошса, йўлга солгил,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим

Гунохимга тоғу тошлар токат килмас,
Тарсо, жухуд, кофир мандек гунох килмас.
Ҳақ кошинда шармандаман ҳеч ким билмас,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Рўза, намоз казо килиб, Ҳакни билмай,
Яхшиларни хоки пойи бўлуб юрмай.
Эранларни дуосини мунда олмай,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Ё Мухаммад, гунохимдин шармандаман,
Ё Мухаммад, илгим олинг, дармондаман.
Яхши тоат килолмадим, армондаман,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Бу дунёда килмишларим фиску фужур,
Умнат дебон лутф этмаса садру судур.
Ул сабабдин борсам сори ахли кубур,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Умнатман деб лоф урарман кони амал?
Аллох учун ман килмадим харгиз жадал.
Отим умнат, килгон ишим жумла зарар,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

Кул Хожа Ахмад, амалим йўк каён борай?
Пири мугон хизматида кўксум ёрай.
Таксир ойтиб кеча-кундуз хозир турай,
Ё Мустафо! Илгим олинг, йўлда колдим.

66

Аё дўстлар, тун-кун тинмай зикрин ойтинг,
Зикрин ойтиб куллугинда бўлмок керак.
Куллуқ килиб такбир ойтиб сухбат курса,

Харна бори бўлса Хакдин кўрмак керак.

Ишкка кадам кўйгонлари мурод тобти,
Кимни кўрса сиррин кўруб айбин ёбти.
Гариб бўлуб яхшиларни изин ўбти,
Шому сахар хизматида турмок керак.

Мухаббатни шаробини андин ичиб,
Манманликни килгонлардин йирок кочиб.
Хар ким кирса ушбу йўлга жондин кечиб,
Хоки пойин кўзларига сурмок керак.

Йўлга киргон эранлардин йўлни сўрмай,
Харна келса рози бўлуб Хакдин кўрмай.
Ижозатсиз йўлга кадам кўюб юргай,
Ишк дўконин ёзиб анда курмок керак.

Ушбу йўлга киргон толиб бўлди окил,
Гафлат бирла куюб-ёниб бўлмас окил.
Умрин зоеъ кечургонлар бўлди жохил,
Ишк лашкарин тутуб мудом кармок керак.

Сахроларда чорзарб уруб зикрин бошла,
Хою хавас, моуманлик йирок ташла.
Кеча-кундуз такбир ойтиб тинмай ишла,
Зикрин ойтиб сидки бирла турмок керак.

Бахр ичинда одам нафси жавлон килур,
Очлигидин . . . турса афгон килур.
Дунё тилаб дин ишини вайрон килур,
Йилон янглиг халкумидин кирмок керак.

Кул Хожа Ахмад, нафсдин улуг бало бўлмас,
Еру кўкда тўъма берсанг харгиз тўймас.
Туфрок бўлуб йўлда ётсанг, кофир ўлмас,
Пири мугон хизматида турмок керак.

67

Ориф улдур, Хак амрини пос айласа,
Мосиводин нафсин йигиб хос айласа.
Шариат хама беш хуруфдур рост айласа,
Андин сўнгра тарикатга кирмок керак.

Тарикат хама беш хуруфдур, агар билсанг,
Таъайюн билиб, шароитин адо килсанг.
Беш кўчасин сайрон килиб, елдек ўтсанг,
Андин сўнгра хакикатга кирмок керак.

Ул ҳам беш харф яхши билса Хакка етар,
Моуманлик замиридин бешак кетар.
Билса килса, ибодатга йўқтур хатар,
Маърифатнинг майдонига кирмок керак.

Ул беш хуруф майдонида жавлон килур,
Зохир ботин бетаваккуф нолон килур.
Етти аъзо кўзларини катон килур,
Муршид бўлуб, иродатга кирмок керак.

Тўрт майдонни бўстонида на ишлар бор,
Айтсанг, адо бўлмас анда демишлар бор.
Хар дамида юз минг шайх(дин) емишлар бор,
Мундог инъом лаззатини билмок керак.

Бу йўлларни тай килмайин муршид бўлса,
Фосик, жохил мурид бўлуб, кўлин олса.
Мундог афъол тонгла анда мардуд бўлса,
Махшаргохни халки тамом кулмок керак.

Беш кун ўтар дунё учун кўлин олса,
Кўруб-билиб нафси учун ўтка солса,
Йўл тобмагон назрин олиб кўлин олса.
Во хасрато, надоматлар демок керак.

Кул Хожа Ахмад, бу хикматни нечук айдинг,
Бир харфини билмай ўзунг халкка ёйдинг.
Рост йўллардин ботил йўлга эрта ёндинг,
Хавф-хатар ичра нечук этмок керак.

68

Ошиқлар майдонида илми хикмат билинур,
Эранларни домига шункор, лочин илинур,

Минг нафасни бир нафас, килса химмат килса шавк,
Сир эшиги очилиб, жумла арвох кўрунур.

Сахар бўлса йўл олар, сир ичинда сир кўруб,
Андог сухбат килгонлар, беихтиёр билинур,

Кутб ул-актоб дарвишлар, хос сухбатга келурлар,
Алар бўлгон сухбатда шавк бисёр бўлунур.

Сухбат барор тобкойлар ул дарвишлар келгонда,
Кимга назар солсалар, кулфи дили очилур,

Халка ичра Хак ёдин, ойтиб тилдин кўймаслар,
Тугён килиб рухлари ломаконга уланур.

Ул сухбатда эранлар халка (ичра) ўлтурур,
Кимга назар килсалар, куфли дили очилур,

Харчанд алар ўлукдур, зохир кўзга кўринмас,
Гойибдурлар ва лекин ботин кўзга кўрунур.

Сен сакласанг одобни, эранларни олдида,
Билгил, алар қошида сонсиз маъно билинур,

Дарвишларга ихлос кил, бергил аларга кўлунг,
Хар ким кирса бу йўлга, тахкик домга илинур.

Ишк домига тушмагон, сир маъносин билмагон,
Дунё меҳрин кўймагон, тонгла расво бўлунур.

Кул Хожа Ахмад Яссавий, тинмай эмди йиглагил,
Кўз ёшингни окузсанг, тонгла борсанг, билинур.

69

Малул бўлди бу кўнгуллар, аё дўстлар,
Тингласангиз розин сизга очорбизо.
Вафоси йўк ялгончидур ушбу дунё,
Кўнгул кезиб бокий сўзни очорбизо.

Угон Изим ушбу жонга килди фармон,
Бўюнсунмай такдирга, анга надур дармон,
Окшом тушуб сахар бўлса кўчор карвон,
Ул карвонни сўнгин олуб кўчорбизо.

Биздин бурун барча карвон кўчуб турур,
Бокиб турсак бизга навбат етиб турур,
Малак ул-мавт қадах шарбат тутуб турур,
Навбат келса ул шарбатдин ичорбизо.

Телим нодон эрман тею тузди бўрклик,
Эр ул бўлур иймонини килса кўрклук,
Килдин йингичка, киличдин тез Сирот кўфрук,
Угон Изим рўзи килса кечорбизо.

Неча ёксанг, ёнмас чирог ёгин ерда,
Жонлар чикиб танлар ётур каро ерда.
Дил чирोगи шуъла урор ошиқларда,
Рух бўлубон билмам қаён учорбизо.

Якин эрур ушбу ўлим эрмас йирок,
Эр ул бўлур охиратга минса бурог,
Неча боксанг, окибат ул ўчор чирог,
Ул чирогдек бир дам ёниб ўчорбизо.

Во дариго, ўтти умрум ўйнаб-кулуб,
Ох урармен надоматда конлар ютуб,
Кул Хожа Ахмад, бу хасратдин жоним куюб,
Кўз ёшини сориг юзга сочорбизо.

70

Аё дўстлар, шункор кушум учурдум ман,
Канот кокиб кайси тараф равон бўлди.
Гахи гахи оркасидин ундай колдим,
Давр олибон кўзларимдин нихон бўлди.

Аёк богин махкам тутмай кочурдум ман,
Силаб-сийфаб тобин тобмай учурдум ман.
Надоматда колди умрум кечурдум ман,
Эмди манинг ишим оху фиғон бўлди.

Сўрог сўрсам топилгойму ўшал кушум?
Топилмаса душвор эрур манинг ишим,
£àñgàdèíàà dèîàé îkîĝ êŭçàà ,øèì,
Эмди манинг килгон судум зиён бўлди.

Пирим мадад килса, кайта кўлга олсам,
Хар бир юнгин кўзларимга сурма килсам.
Яхши тоблаб коз, ўрдакка коршу солсам,
Бихамдиллох эмди сохиб Куръон бўлди.

Мундог тухфа илгингдадур, кўйма зинхор,
Аёк богин махкам тутуб тургил бедор.
Охир бир кун кўрсатгуси санго дийдор,
Дийдор кўргон кулни ўрни жинон бўлди.

«Аллохумма ё молик ар-рикоб» ўкуб,
Озодлиг бароатини излаб топиб.
Тавба дебон эгри йўлдин ростка койтиб,
Тавба килгон куллар анда мехмон бўлди.

Кул Хожа Ахмад, ўзунг гофил, аклинг зойил,
Амалинг йўк, дунё сори кўнглунг мойил.
Бул аёкинг остидадур чохи Хобил,
Йикилурун билгон киши омон бўлди.

71

Тўлди умр паймонаси, ман йигламай ким йигласун?!
Шайтон кўнгул хамхонаси, ман йигламай ким йигласун?!

Килмас насихат ҳеч киши, исён била бўлди ишим,
Мундог кечиб ёзук ишим, ман йигламай, ким йигласун?!

Коттиг гуноҳ бўлди ишим, жаханнамда бўлди ерим,
Охир газаб килса Карим, ман йигламай, ким йигласун?!

Куръон хатин кўрмас кўзум, оят-ҳадис эрмас сўзум,
Кулман десам, ялгон ўзум, ман йигламай, ким йигласун?!

На мундадур рўза-намоз, на хайр, эхсону ниёз,
Йўк ҳақиқат, хайри ниёз, ман йигламай, ким йигласун?!

Нафсим мани ўтка солур, ҳар лаҳза тандин жон олур,
Дардим даво тобмай колур, ман йигламай, ким йигласун?!

Шайтон ганимдур манго, нечук айлай ё Раббано,
Ё Раб, сигинурман санго, ман йигламай, ким йигласун?!

Йигитлик қуввати кетти, қариллик навбати етти,
Келди якин марги ажал, ман йигламай, ким йигласун?!

Туткой ўлум жоми шароб, хонумон килгон хароб,
Ё ҳасрато, алал-абад ман йигламай, ким йигласун?!

Агар юз йил муҳлат берур, ажал охир қоршу келур,
Жонга қаро қунлар солур, ман йигламай, ким йигласун?!

Дунё иши(дур) бир сори, нафсим эрур (душман) бори,
Уқбо эрур ҳасрат ери, ман йигламай, ким йигласун?!

Килдим баса, фиску фуҷур, қолдим нетай маҳруму дур,
Кўнглумда йўқтур зарра нур, ман йигламай, ким йигласун?!

Ҳақдур Карим ё ақрам, Қул Хожа Аҳмад, ема гам,
Дармондалиқ дамбадам, ман йигламай, ким йигласун?!

72

Қаъба сори кетор бўлдуқ иншааллоҳ,
Эй ёронлар, яҳши қолинг, то кўргунча.
Қойда борсоқ Аллоҳ ёди бизга ҳамроҳ,
Эй ёронлар, яҳши қолинг то кўргунча.

Кетой дермиз хонумондин жудо бўлуб,
Аҳлу иёл, хонумондин сиво бўлуб,

Дунё укбин тошлаб, бахри Худо бўлуб,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

Йўлга кадам кўёй дермиз Хакни излаб,
Еру кўкда, ойу кунлар Хакни излаб,
Аршу Курсий, Лавху Калам Хакни излаб,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

Ахлу иёл, хонумондин жудо бўлуб,
Сиво этиб, хотунларни меҳрин бериб,
Сафар килдук васли учун жондин безиб,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

Арш истасанг, мўъмин кулни кўнгли ичра,
Ишк тиласанг, мўъмин кулни кўнгли ичра,
Кўрор бўлсанг, мўъмин кулни кўнгли ичра,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

Айб этмангиз, Хакни излаб юродурмиз,
Хосиятлик Каъба сори бородурмиз,
Хўблар кўруб, йўлда ибрат олодурмиз,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

Шояд кўрсак бориб Каъба жамолини,
Хизмат килсак йўлда сохиб камолини,
Истойдурмиз доим васлу висолини,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

Банда бўлсок Хожамизни изламак хўб,
Шому сахар хизматида кизламак хўб,
Етим колгон бўталардек бўзламак хўб,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

Кул Хожа Ахмад, маъбудига кўнгул бериб,
Хак васлини тилар доим жавлон килиб,
Ишк йўлида мандек йўктур хеч ким гариб,
Эй ёронлар, яхши колинг то кўргунча.

73

Аё гофил, кўзунг очгил, кетибдур жумла ёр эмди,
Жахон кўхна работидур, ки билсанг рох гузор эмди.

Кўзунгни равшани эхсон, дилингни куввати имон,
Бу дунё бевафо ялгон, кеторсан бемадор эмди.

Кеча-кундуз жадал айлаб, бу дунё иззатин излаб,

Тун-кун бехуда сўзлаб, юрурсан шармисор эмди.

Гўристонлар аро бокгил, халойикни томошо кил,
Бори хасрат килиб йиглар, ётибдур хору зор эмди.

Нидойи «иржиъи!» келса, на келтурдунг аё бандам?
Бўлурсан сарнигун ул дам, турурсан устувор эмди.

Жахонга эътимод этма, тилинг Хак зикридин кўйма,
Бу дунё айшини сурма, бўлурсан номдор эмди.

Сахарларда туруб йигла, ибодатга белинг богла,
Имонингни ариг сакла, бўлурсан обдор эмди.

Бу дунё завкидин кечгил, мухаббат жомидин ичгил,
Боридин бир йўла кечгил, юрурсан шохсувор эмди.

Халойик барчаси ўтти, бори ер кўйнига етти,
Ўгул-кизин етим этти, бузулди рўзгор эмди.

Хожа Ахмад Яссавий, узлат, тун-кун ютгони хасрат,
Сахарлар тортибон мехнат, кила кўр гашти кор эмди.